**Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**


O‘zingni angla!

# Hurriyat

Mustaqil gazeta

2021-yil
27-yanvar
chorshanba
№ 4 (1220)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * www.uzhurriyat.uz * gazhurriyat@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi


МУНОСАБАТ

## ТАРБИЯДА танаффус бўлмайди



***Мамлакатимиз Президенти раислигида шу йил 19 январь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида айтилган гаплар, ўртага ташланган мулоҳазалар ҳар бир юртдошимиз, айниқса, ўзини зиёли деб билган ҳар бир ҳамюртимиз қалбига чўғ солди, тўлқинлантирди, десак хато бўлмайди. Чунки Юртбошимиз жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир, деди. Бу жуда ҳикматли, улуғ гап бўлди.***

Чиндан, жон ва руҳ бўлмаса бари бекор. Ҳамма нарса иккинчи даражали. Эътибор қилиб, ўйлаб, мушоҳада қилиб кўрайлик. Мамлакат тараққиёти учун минг-минг чақирим йўллар қуриш, катта-катта бунёдкорликлар — уй-жойлару одамларни ишли қилиш мақсадида неча-неча саноат, ишлаб чиқариш корхоналари барпо этишга мисли кўрилмаган саъй-ҳаракат, маблағлар сарф этилади. Албатта, булар керак.

2-б.

ДЕПУТАТ МИНБАРИ



**Зулфия СЕЙТНИЯЗОВА:**

***КАМБАҒАЛЛИК МУАММОСИ кредит бериш, уй-жой билан таъминлаш ёки нафақа бериш билангина ҳал бўлиб қолмайди...***

## ҲАР БИР ТАҚДИР ЭЪТИБОРГА МОЛИК

**Гарчи, оғир кечган эса-да, 2020 йил юртимиз ҳаётида ўзига хос муносиб из қолдирди. Бугун кекса-ю ёш қалбида шукроналик, ҳаётга муҳаббат, юртимиз тинчлиги ва омонлигини тилашдек эзгу тилаклар зоҳир. Чунки, ҳар бир отган тонг ва ўтаётган кун кимнингдир ҳаётига туб бурилишлар, ўзгаришлар олиб киради. Ва бу ўзгаришлар юртимиз ҳаётида ҳам аксини топмоқда.**

**Қорақалпоғистон Республикаси Халқ депутатлари Нукус шаҳар кенгаши депутати Зулфия СЕЙТНИЯЗОВА билан мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва мазкур ислоҳотларнинг ҳаётимиздаги ўрни хусусида суҳбатлашдик.**

2-б.

АФСУС



## ЎЗИНИ БИЛМАГАН ҚУЮШҚОНДАН ЧИҚАДИ

**Ўтган ҳафта ижтимоий тармоқларда ўзбек рок гуруҳи FLYIN UPнинг 24 январь куни пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Академик театри олдида бўлиб ўтадиган концерти ҳақида пост (афишаси) тарқатилди (FLYIN UP Площад имени А.Навои 24.01/20:45). Постда юқоридаги русча ёзувлардан кейин буюк бобомиз Мир Алишер Навоийнинг гитара ушлаб турган расмлари жойлаштирилган.**

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий бобомиз асарини кўчиришда битта нуқтани тушириб қолдиргани боис араб имлосида ёзилган кўз сўзи кўрга айланиб қолгани учун хаттотдан қанчалар норози бўлган эканлар. Биз кўриб турган, минг-минглаб одамларга тақдим этилаётган постдаги расм – илмсизлик, бефаросатлик ва нўноқлик касридан улуғ бобомиз қўлига гитара тутқазиб қўйилиши миллатимизга нисбатан беҳурматлик, давлатимизни тан олмаслик оқибатидир. Оқбилакларга муносиб келадиган ёқут кўзли тилла узукка бало борми?! Яна ўша давр либосида қўлида гитара тутиб туриши бир беақлнинг иши, йўқ-са, Навоий даврида гитара бўлганми?! Наҳотки ҳеч бўлмаса, шунга ақли етмаган бўлса?..

5-б.

ОЧИҚ ГАП

***Тан олайлик, бундан тўрт йил олдин ҳаёт қанақа эди, одамлар қандай яшар эди? Эркинлик, очиқлик бормиди? Гап ўтганни ёмонлашда эмас, аксинча, борини айтишда. Сабоқ чиқаришда.***

***Президентимизнинг шахсий иродаси туфайлигина жуда кўп масалалар, халқимизни қийнаб келган юзлаб муаммолар барҳам топди. Юртдошларимиз эмин-эркин яшаш, ишлаш бахтига мушарраф бўлди. Биргина узоқ вилоятдан пойтахтга келгунча, масалан, айтайлик, Сурхондарёдан Тошкентга машинада келгунингизча, лоф бўлса ҳам, 15-20 та жойда текширувдан ўтиларди. Ҳатто вилоятнинг ўзида, бир тумандан иккинчи туманга боргунингизча, икки-уч жойда “пост”лар ташкил қилинган эди.***

## МАҲАЛЛИЙ АМАЛДОРЛАРГА БИР САВОЛ:

### қачон халққа яқин бўласиз?

Улар кимни ушлар эди, нимадан бунча хавфсирар эди? Ишонасизми, туманлар тугул секин-аста маҳалла-посёлкаларга ҳам йўлтўсар-шлагбаумлар ўрнатила бошлаганди. Ҳаммаси Юртбошимизнинг битта топшириғи билан барҳам топди. Энди бемалол, йўл қоидасини бузмасангиз, ҳеч ким билан бировнинг иши йўқ.

Ҳа, минг шукрки, очиқлик замони келди.

3-б.

АКС-САДО



## МАТБУОТ — ЗИЁ МИНОРАСИ

### ёки газетани дазмоллаган қишлоқ аёли

**Болалик хаёллари – кичик жуссадаги ноёб олмосга ўхшайди. Унинг ҳар бир қиррасидан таралаётган нурга термулсанг, минг хикмат бўй кўрсатиб чиқаверади. Нурнинг ўлчами қаричга сиғмагандек, тасаввур хаёл билан ниҳояланмайди. Одамзот гоҳида нимадир излайди, нимадир керак бўлади унга. Нималигини ўзи билмайди, излайверади. Топдим, деганда йўқотиб, йўқотдим, деганда топганларини англамайди. Гоҳида бир жумла ҳа, бир жумла оламжаҳон хотираларни денгиздай кўз олдингга қуйиб кўяди.**

4-б.

# ТАРБИЯДА танаффус бўлмайди



Лекин нега жамиятнинг "жони ва руҳи" маънавият дейилди? Нега давлатимиз раҳбари буюк жадид боболаримиз каби, аввало таълим ва тарбияга бош масала сифатида урғу бермоқда?

Дарҳақиқат, инсоният ҳамма нарсага, мисли кўрилмаган ютуқларга эришиши мумкин экан. Аммо маънавий жиҳатдан таназзулга юз тутса, бу ҳаётда нимаики бўлса, баридан мосуво бўлиш ҳам ҳеч гап эмас экан.

Бунга тарихдан ўнлаб, юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Шу боисдан ҳам юксак тараққиётга эришган салтанатлар ҳам ўтмишда маънавий кемтиклик боис пароканда бўлган, оламни маҳлиё қилган обидалар ер билан битта бўлган.

Ҳа, демак, бу оламда фақатгина улуғ тафаккур сарчашмалари, юксак тарбия ҳамда маънавий қудрат таъсири билангина нафақат ўтмиш ёдгорликлари, бетакрор обидалар, балки дунёнинг ўзи ҳам жон сақлаб турибди.

Ўйлаб кўрайлик, жаҳонда юз берган воқеаларга боқайлик, ўтган асрда эмас, борйўғи охирги 10 йил ичида дунё маданиятининг бетакрор обидалари ҳисобланган, минг-минг йиллар аввал бунёд этилган бетимсол тарихий обидалар Ироқда, Мисрда террорчилик хуружлари натижасида кунпаякун қилинмадими!

Худога шукур, улуғ зотлар, дунё маданияти устунлари етишган зотларни камолга етказган миллатмиз, халқмиз. Дунё ҳавасмандлик билан талпинадиган барокатли юртмиз.

Аммо давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, лоқайдликка, хотиржамликка берилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Негаки, яширишга ҳожат йўқ, кўплаб иқтидорли ёшларга эга эл бўлсак-да, бироқ жуда кўп ёшларимизнинг маънавий даражаси кўнгилдагидек эмас. Умрида ақалли бирорта китобни ўқимаган, на газета-журнални ўқиш эмас, ҳатто қўлига ушлаб кўрмаган минг-минглаб ёшлар вояга етди. Бундай ёшлар эртага оила қуришади ва улардан туғилажак фарзандлар-чи, улар қандай одамлар бўлиб етишади?

Бу ҳаётда яшашнинг мазмуни, мақсади нима қилиб бўлса ҳам бой-бадавлат бўлиб кун ўтказиш, яхши еб, яхши кийиниб юришнигина ўйлайдиган ёшларнинг юрагида яна нималар бор?

Тўғри, яхши яшашнинг, фаровон турмуш кечиришни исташнинг ёмон томони йўқ. Аслида, жамиятимизда олиб борилаётган бор ислоҳотлардан мақсад ҳам шу: халқ фаровонлиги, юрт ободлиги. Аммо бу фаровонлик, тўқлик нималарнинг эвазига, қандай омиллар сабаб муяссар бўлади? Масаланинг илдизи ана шу жойда.

Дарвоқе, инсон бу ҳаётга нима учун, фақат тўқ, ўйнаб-кулиш, ялло қилиш учун келадими ё? Бу ҳаётнинг қадри, ота-она, юрт, Ватан тушунчаларига содиқ бўлиб хизмат қилиш-чи? Азал-азалдан ҳалол меҳнат қилиб, изланиб, кексаларимиз айтганидек, каттани ҳурмат, кичикни иззат қиладиган миллатмиз.

Аксинча, меҳнат қилмай, тайёрига айёрга ҳозир айрим ёшларга Ватан тақдири, юрт тақдирининг аҳамияти нечоғли деб ўйлайсиз?

Юртбошимиз энг оғриқли масала, тарбия масаласида тўхталар экан, **"Ҳозир болаларимизни телефон тарбия қилаётгани"**ни бежиз куйиниб гапирмади. Рост, бугун баъзи бир ота-оналар бошланғич синфга борадиган боласига ҳам энг қиммат русумдаги телефон олиб бермоқда. Лекин ўша телефонда алоқа воситасидан ташқари, жамики бузғунчилик, фаҳш каби иллатлар ҳам жойланганини наҳот ўйлаб кўрмасак?

Телефондан ҳам, компьютердан ҳам фойдаланиш маданияти бор, меъёри бор. Аввало, ҳар бир оила фарзандини бунга тайёрлаб бормоғи фазилатдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшлар тарбияси, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда таълим соҳаси вакиллари билан бир қаторда, ижод аҳлига, халқимизнинг ёзувчи-шоирларига алоҳида таянаётгани бекорга эмас. Аввало бу ижод аҳлига катта ишонч, масъулият демак. Боланикдан китоб ўқиб, шеър ёдлаб, санъатга қалби ошно бўлган одам маънавий тўкис бўлади.

Афсуски, бугун айрим раҳбарлар, айниқса, маҳаллий раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам бирдек бу ҳақиқатни тўғри англаб етмоқда дейишимиз душвор. Хусусан, ёшларимизнинг таълим-тарбияси бошида турган Халқ таълими вазирлиги мутасаддиларининг матбуот нашрларига бўлган муносабатини олайлик. У деярли ўзгармасдан қолмоқда. "Мажбурий обуна" баҳонасида миллионлаб фарзандларимиз — ёш ниҳолларимиз ҳатто болалар нашрлари бўлган "Ғунча", "Тонг юлдузи", "Гулхан" каби нашрларни кўрмасдан мактабни битириб кетишмоқда.

Яхши эслаймиз, бир пайтлар ҳар бир бошланғич синфда нечта бола бўлса, шунча "Ғунча" ёки шунча "Тонг юлдузи" келар эди. Нархи ҳам арзимаган пул бўларди. Каттароқ синфга кўчганимизда ҳар бир синфдошимиз "Гулхан"ни олар, қизиқиб ўқир эди.

Бу нашрлар том маънода ҳаётимиз шамчироғи бўлган. Китобга, адабиётга меҳр шундан бошланар эди-да. Бугун-чи, ҳаётимизда тўрт йил олдинги муносабат туфайли, бу жиҳатларга эътибор маълум даражада йўқолиб қолди. Йўқса, 10 мингдан ортиқ мактаблари бор, миллионлаб болалар ўқийдиган юртда ўқувчиларнинг журналлари, газеталари республика бўйича бир минг, ё икки минг нусхада чоп этилармиди?!

Бу дегани ҳатто ўнта мактабга бу нашрлар ақалли бир нусхадан ҳам бормайди, деганидир. Агарда ҳар бир мактаб ўқувчиси "Гулхан" олса, у неча юз минг тўғрироғи, миллион нусхада чоп қилинмасмиди?! Унинг обуна баҳоси ҳам кўпи билан 3-4 минг сўм бўларди, шунда. Ўйлаймизки, бундан аксарият ота-оналар ҳам хурсанд бўлишар эди.

Мана, бугун нима учун болалар телефон деган матоҳга ёпишиб қолган?

Шу масалада, ўтган йилнинг охирида Халқ таълими вазирининг ўринбосарларидан бири билан суҳбатлашиб қолдик. Унга айтдикки, "Президентимиз ҳақли эътироз билдирдилар, яъни ўқитувчиларнинг ҳам газета-журнал ўқимай қўйганлигини танқид қилдилар, Ўқитувчи ва мураббийлар кунидаги нутқларида" деган маънода сўз қотсак, ҳурматли вазир ўринбосари, нима дедилар денг: "Тўғри, лекин обуна бўлинглар деб тавсия қилсак, биз орқага кетган бўламиз".

Наҳотки, тавсия, тарғибот, тўғри тушунтириш, ахир, бу сизларнинг, ҳаммамизнинг вазифамиз эмасми?! Бунинг нимаси "орқага кетиш" бўлар экан?! Бу куюнчаклигимизни эшитиб ўтирган вазир ўринбосари эса пинагини ҳам бузгиси келмайди...

Ўйлаб кўрайлик, яна бир бор, муҳтарам Президентимиз бежиз қайта-қайта сўз айтмаяптилар. Қолаверса, ҳеч ким зуғум-заққум қилайлик, газета-журналларга мажбурлаб обуна қилинг, демаяпти, жаноб вазир. Мактаб боласига тўғри тушунтириб, ота-оналар билан бамаслаҳат, ҳеч курса, болалар журналлари, газеталари битта синфга 4-5 тадан борганда ҳам эди, бу нечоғли аҳамиятли, савобли, керакли, демоқчи бўламизу, бу ҳақда қанча ёзмайлик, гапирмайлик улардан бунга ҳатто оддий муносабат, бирор акс-садо ҳам бўлмаяпти.

Ахир, давлатимиз раҳбари йиғилишда "Агар кимдир маънавият масаласи — бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади", дея нечоғли ҳақли гапни гапирди. Чиндан ҳам маънавият, таълим-тарбия масаласи ҳар бир виждонли, имонли кишининг вазифаси, бурчи бўлмоғи керак.

Зеро, гап инсон тарбияси ҳақида кетар экан, Президентимиз таъкидлаганидек, бу ишда танаффус бўлмайди.

**Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ,**
**журналист.**

# ҲАР БИР ТАҚДИР ЭЪТИБОРГА МОЛИК

***– Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида кўтарилган масалалар барча ўзбекистонликларни бирдек қувонтиргани рост десак муболаға қилмаган бўламиз. Айтинг-чи, мазкур Мурожаатнома хусусида депутат сифатида фикрингиз қандай?***

– Президентимизнинг 2017 йилдан буён ҳар йил давлатимиз тарихида, ўзининг парламентга Мурожаатнома йўллаши анъанага айланган бўлиб, Ўзбекистон аҳли уни катта иштиёқ ва кўтаринки кайфиятда қаршилайди. Мурожаатномани тинглар эканман, у нафақат мени балки ҳар бир фуқаронинг қалбида яратувчанликка, келажакка ишонч пайдо қилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳар қандай ишонч масъулият ҳиссини уйғотибгина қолмасдан, куч ва ғайрат қўшиши табиий.

Мурожаатномада таъкидланган йирик комплексли таклифлар, ташаббуслар, таҳлилий хулосалар, келажакка йўналтирилган бўлиб, давлатимизнинг ўн йиллик тақдирини ҳал қилувчи кучга айланади. Унда долзарб масалаларга тўхталиб ўтиш билан бирга, кўплаб ҳаётий масалаларни тез фурсатда ҳал қилиш, муаммолар ечимини топиш зарурати кўрсатиб берилмоқда. Тиббиёт, таълим, ишбилармонлик, иқтисод ва бошқа бир қатор соҳаларни ривожлантириш бўйича илгари сурилган ғояларни амалга оширсак, ҳар бир жабҳада самарали ўсишни кўришимиз мумкин бўлади.

***— "Ёшлар" ва "Аёллар дафтари" юритилишининг аҳамияти хусусида нима дейсиз?***

– "Аёллар" ва "Ёшлар дафтари" бу — ҳаёт зарурати. "Ёшлар" ва "Аёллар дафтари"га, асосан, ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлашга, билим олиш, касб-ҳунар ўрганишга муҳтож ёшлар ва аёллар киритилади. Улар билан рўйхат асосида манзилли ишлар йўлга қўйилади. Яъни, мазкур рўйхат асосида ишсиз ёшлар ва аёл-қизларда касбий кўникмаларни шакллантириш, психологик, ҳуқуқий, тиббий ва моддий ёрдам бериш назарда тутилган. Жумладан, адлия бўлимлари орқали бепул ҳуқуқий маслаҳатлар бериш йўлга қўйилади. Ишсиз ёшлар ва аёл-қизлар бандлигини таъминлаш, ҳокимнинг инвестиция бўйича ўринбосари, туман, шаҳар бандлик бўлими, ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш маркази, Бош вазир қабулхонаси ва банкларнинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

***– Айтинг-чи, камбағалликни тугатиш борасида яна нималарга эътибор қаратиш лозим деб ўйлайсиз?***

– Камбағалликни қисқартириш борасидаги ишларни ривожлантиришда Президентимиз стандарт бўлмаган усуллардан фойдаланиш йўлларини татбиқ қилиш таклифини киритди. 2021 йил март ойидан бошлаб, аҳолининг минимал истеъмол нормасини белгилаш, ҳамда ишсизлик нафақасини 3 баробар оширилиши назарда тутилди. "Давлатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиб кетишига йўл қўйилмаслик, бу масала доим Президент назоратида бўлади", дея халқимизнинг хавотирга тушишига ҳожат йўқлигини таъкидлаб ўтдилар. Камбағаллик муаммоси фуқароларга кредит бериш, турар-жой билан таъминлаш ёки ижтимоий нафақа бериш билангина ҳал бўлиб қолмайди. Моддий ёрдам бу фақат шу пайтнинг ўзида қийинчиликдан чиқиб кетишга ёрдам беради, холос. Бунинг учун ёшларимизга юқори даражадаги таълим-тарбия бериш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш орқали яқин келажакда камбағалликни 60-70 фоиз қисқартишга эришиш мумкин. Агар биз фарзандларимизга кичкиналигидан яхши, сифатли билим бера олсак, муаммоларнинг анчасини ҳал қила оламиз. Яқинда интернет тармоғида 2019 йил иқтисод соҳасида Нобель мукофоти номзоди Абхиджит Банерджи, Эстер Дюфло ва Майкл Кремерларнинг меҳнатлари билан танишдим. Улар мазкур мукофотни "Глобал камбағалликка қарши курашишда экспериментал ёндашув" орқали қўлга киритишган. Бундай илмий тадқиқотлар кўпгина давлатлар учун жуда аҳамиятли деб ўйлайман. Илмий иқтисодчилар буларнинг меҳнатини камбағалликка қарши курашиш дастурини юксак масштабдаги муаммога айлантирмасдан олдин кичик-кичик бир нечта вазифаларга бўлиб ажратиб, унинг самарадорлигини текшириб кўришни тавсия қилади. Бу эса ҳар қандай экспериментлар ўтказишдаги дала усули (полевой) методлардан — амаллардан бири бўлиб, асосий муваффақиятлардан бири десак бўлади. Ўқиганларимдан шундай хулосага келдимки, биз дастлаб камбағалликни келтириб чиқарувчи факторлар билан курашишимиз лозим. Ана шундагина ҳар бир оилага маълум миқдорда бу каби чора-тадбирларнинг таъсири қай даражадалигини аниқлай оламиз. Сабаби, камбағаллик ҳар бир давлатнинг, ҳududнинг, оиланинг яшаш шароитидан келиб чиқади, назаримда.



> *... ёшларимизга юқори даражадаги таълим-тарбия бериш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш орқали яқин келажакда камбағалликни 60-70 фоиз қисқартишга эришиш мумкин.*

***– Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномадаги тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш борасидаги ислоҳотларга муносабатингиз?***

– "Ишбилармонлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилади" — дея таъкидлаб ўтди Президентимиз ўз Мурожаатномасида. Шу ўринда, ЎзЛиДеп партияси депутати сифатида партиямиз уставида кўрсатилган вазифаларимиздан келиб чиқиб, ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш билан бирга фарзандларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарга ўргатиш, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш ва ҳимоя қилиш борасидаги дастурларни ишлаб чиқсак мақсадга мувофиқ бўлади. Айниқса, ишбилармонлик билан боғлиқ бўлган 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, сонининг қисқартирилиши, юртимизда ишбилармонларнинг ривожланишига кенг йўл очади. Ишбилармонларга янада қулайлик яратиш мақсадида 105 хил лицензия ва рухсатнома турлари бекор қилинади ва 115 та тартиб-қоида соддалаштирилиши, ишбилармонлар ва кичик бизнес субъектлари учун муҳим янгилик бўлди.

***– Аҳоли турмуш тарзини яхшилашда маҳалланинг ўрни катта, албатта. Сизнингча, бугунги кунда маҳалла ўз вазифасини қай даражада бажаряпти?***

— Мурожаатномада маҳаллий бошқарув органлари, вакиллик органлари ҳамда маҳалла институти асосларини янада ривожлантириш бўйича аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб ўтилди. Маҳаллий бошқарув органлари шундай бўлиши керак, унга қўл чўзсанг етадиган. Айнан, халқнинг бор кучи ўша маҳаллий органларда мужассам. Маҳалла доим халқ билан чамбарчас ҳолда иш олиб борувчи асосий бўғин. Сабаби, маҳалла деса кўз олдимизга биринчи галда оила келади. Ҳар бир оиланинг тинч-осойишта, саломат турмуш кечиришида табиийки, маҳалланинг ўрни жуда муҳим. Оиладаги муаммолар айниқса, аёл-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож ёки оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган фуқароларга ёрдам кўрсатиш маҳалланинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим. Тўғри, баъзи маҳаллаларда иш кўнгилдагидек олиб борилмаётган бўлиши мумкин. Аммо бугун давр билан ҳамнафас ва аҳоли мурожаатларига қулоқ тутмайдиган, уларнинг муаммоларини ҳал қила олмайдиган маҳалла раисими, ходимими, элак ғалвирдан кўтариладиган давр келганини яхши англаган ҳолда иш олиб боришса ёмон бўлмасди.

***— Бугунги ёшлар тақдирининг миллат ривожи билан узвийлигини нималарда кўрасиз?***

— Ёшларимиз давлатимиз томонидан яратилаётган барча шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланишини жуда-жуда хоҳлардим. Аминманки, бугунги замон ёшларининг ақл-заковати, феъл-атвори сиёсий ҳамда иқтисодий шароитга мослашмоқда. Бугун уларни "фаровонлик даври ёшлари" деб ҳам айтишимиз мумкин. Шундай экан, эртамиз эгалари бўлган ёшларимиз миллийликдан йироқлашмаган ҳолда қадриятларимизни кўз-қорачиғидек асрашлари лозим деб ўйлайман. Ҳатто, модалари ҳам миллийликка асосланган бўлса, нур устига нур бўларди. Албатта, келажак ёшларники. Аслида ҳар бир тақдир эътиборга молик эканлигини унутмаслигимиз керак. Зеро, бугун учун ҳам, эрта учун ҳам бу чин ҳақиқатдир.

**Фотима АБДУРАИМОВА суҳбатлашди.**

## ТУҲФА



# УЮШМА КУТУБХОНАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

***Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошида кутубхона ва ўқув бурчагини ўз ичига олган маънавият хонаси фойдаланишга топширилди.***

Ушбу маънавият хонасида журналистика соҳасига оид қўлланмалардан ташқари, олти юз донадан зиёд турли адабиётлар ўрин олган. Шунингдек, ўттиздан кўпроқ марказий газета ва журналларнинг ҳар бир сони билан танишишингиз мумкин, уларнинг электрон базаси ҳам шакллантирилмоқда.

— Яқинда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари "Агар кимдир, маънавият масаласи — бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади", дея таъкидладилар, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Холмурод Салимов. — Биз муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ана шу йиғилишда билдирган фикр-мулоҳазалари, берган топшириқларидан келиб чиққан ҳолда ишни ташкил этишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Кези келганда шуни айтишим керак, айни пайтда ҳар куни уюшмамизга турли масала бўйича камида тўрт-беш нафар соҳамиз вакиллари ташриф буюради. Юртбошимизнинг тегишли қарори ижроси доирасида уюшмамиз ишининг жонланиши, ташкилотимизга аъзоликнинг тикланиши, уюшмамиз қошидаги кенгашлар фаолиятининг ривожланиши, қолаверса, мазкур маънавият хонасининг очилиши бу ерга келиб-кетувчилар сони янада кўпайишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Х. Салимовнинг сўзларига кўра, жорий йил мобайнида мазкур зиё маскани кенгайтирилади — битта катта хонада минглаб китоб фондига эга уюшма кутубхонаси ташкил этилса, яна бир шундай хонага марказий газета ва журналларнинг ҳар бир сони тахлами жойлаштирилади. Уларнинг ўртасидаги хона эса ўқув зали бўлади. Бир сўз билан айтганда, барча журналистларимиз учун эшиклари кенг очиқ уюшмамизда вақтни самарали ва фойдали ўтказиш, маънавий озуқа олиш учун яратилаётган қулайликлар кенгайиб бораверади.

Уюшманинг фаолият бошлаган кутубхонаси жавонидан ўрин олган китоблар билан танишар эканман, бу ерда ҳар бир ижодкор-журналист учун керакли бўлган китобларга кўзим тушди. Улар орасида ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан нашрга тайёрланиб, чоп этилган журналистика соҳасига оид ўн жилдли китоб, Сайди Умиров, Саъдулла Ҳакимов, Иброҳим Норматов, Қурбон Эшматов каби марҳум журналистлар, шунингдек, Фарида Усмонова, Жаббор Раззоқов, Абдусамад Исоқов, Шерзод Ғуломов, Муҳаммаджон Обидов сингари соҳа фахрий ва фаолларининг асарларини кўриш мумкин. Ҳарбий, интернет, спорт, ҳуқуқий журналистика каби соҳа йўналишларига доир қўлланма ва маънавиятни юксалтиришга хизмат қиладиган бир-биридан қизиқ бадиий адабиётларнинг жамлангани эътиборга молик.

— Уюшма ўз кутубхонасини ташкил этаяпти, деган гапни эшитиб, тўғриси жуда хурсанд бўлдим, — дейди фахрий журналист Жаббор Раззоқов. — Бу – хайрли иш. Кутубхонага ўзимнинг "Ватан қадри", "Умр бир қўшиқ" номли китобларимни туҳфа қилдим. Тадбирда қатнашган Зулфия Мўминова, Искандар Раҳмон, Ислом Усмонов каби ижодкорлар ҳам ўз китобларидан уюшмага туҳфа қилганидан суюндим.

Айтишларича, шу кунгача маънавият хонасига бир дона ҳам китоб тақдим қилинмаган. Ташаббус билан чиқилганидан сўнг зиёлилар, тегишли ташкилотлар раҳбарлари уюшмага ўнлаб адабиётларни совға қилган. Шу тариқа, олти юздан ортиқ китоблар йиғилган.

Тадбирда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асаджон Ходжаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажидовлар иштирок этишди ва китоблар совға қилишди.

**Зиёда РАСУЛОВА,**
**журналист.**



# МАҲАЛЛИЙ АМАЛДОРЛАРГА БИР САВОЛ:

## қачон халққа яқин бўласиз?

1-б.

Оддий ойлик-маошни нақд пулда олиш масаласини айтинг, пластик картадан пул ечтириш масаласи-чи, кимларгадир 20-30 фоизини беришга мажбур бўлинарди.

Буларнинг бари кечаги кунимиз. Тўрт йил олдинги ҳаёт манзаралари. Президентимиз шу боис ҳамиша одамларни рози қилиш, халқ ичида бўлиш кераклигини таъкидлайдилар.

Аммо кўпгина маҳаллий амалдорлар ҳамон халқдан ўзини олиб қочаётганини ҳам айтишимиз керак. Бунинг устига ўша "йиллардан" қолган русум, маҳаллий ҳокимликлар, яъни туман, шаҳар ҳокимликлари, суд, прокуратура идоралари ўз иш хоналарини баланд қора панжаралар билан ўраб олишаётгани, ғалати эмасми?

Чунки, давлат аҳамиятига молик стратегик объектлар бўлса, тушунарли. Давлат қўриқхоналари бўлса, бошқа гап. Аммо одамлар ўз ташвиш-муаммолари билан бош уриб борадиган жойлар халққа яқин бўлиши керак эмасми? Айрим туман ҳокимликларига оддий одамлар тугул, ОАВ вакилларининг кириб-чиқиши ҳам осон эмас. Шу боис, ҳар гал хизмат юзасидан баланд қора панжаралар билан ўралган давлат идора ва муассасаларига борганимда панжара ортидаги амалдорнинг қабулига киролмай оввора-ю сарсон бўлаётган турнақатор фуқароларни кўриб муҳтарам, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган бугунги ички ва ташқи сиёсатимиз мазмун-моҳиятини ўзида тўла мужассам этган даъватлари эсимга келади.

Раҳматлик падари бузрукворим оддий чўпон — чорвадор эдилар. Бор-йўғи 7-синфни битирганди. Кимдир ҳаётдан, давлатдан нолиса, бир гапни кўп такрорларди: "Давлат ва халқ — данакнинг пўсти ва мағзи, болам. Битта-иккита одам давлат ҳам, халқ ҳам бўлолмайди". Дарҳақиқат, давлатсиз халқни, халқсиз давлатни тасаввур этиб бўлмайди.

Ўтган йил октябрь, ноябрь ойларида Сурхон воҳасидаги бир қанча туман ва шаҳар ҳокимликларида бўлишга тўғри келди.

Сафаримизни Шербоддан бошладик. Темир панжара ёнидаги кириш жойига борганимизда ИИБ қоровуллик хизмати ходимлари: "Ҳужжатингиз? Ҳм-и, кимга кирасиз? Ҳа, бу масалалар бўйича ўринбосарлари қабул қилади", дейишди. Агар иложи бўлса, ҳокимга учрашимиз зарурлигини айтдик. Аввалига: "Ҳокимнинг қабул кунига келинг", дейишди. Сўнгра: "Ҳоким ҳеч кимни қабул қилмайди, агар сизни киритиб юборсам, мени ишдан ҳайдаб юборишади", деб ростини айтиб қўя қолишди. Ҳокимнинг телефонига қайта- қайта қўнғироқ қилдик, қани гўшакни кўтарса?..

Нима ҳам дердик, ниятимиз амалга ошмай, темир панжарадан ўтолмасдан, Бойсун қараб йўл олдик. Хуллас, қайси туман ёки шаҳарга борманг, шу ҳол, шу манзара. Хўш, жойлардаги ҳокимликларда, давлат идора ва муассасаларида "тўртинчи ҳокимият" вакилларига муносабат шундай экан, оддий фуқаролар қандай қилиб бу идораларга бош суқади? Маҳаллий раҳбарларга дардини қандай тушунтиради? Нега улар ўзига бунчалик бино қўйган, кибр ва манман, фақат ўз гапини жуфтлайдиган?..

Шунда бир нарсанинг моҳиятига етгандай бўлдим. Тўғриси, аҳоли томонидан интернетдаги ижтимоий тармоқларга ёзилаётган бўлар-бўлмас мурожаатларни шунчаки бекорчиликдан ёзишади, деб ўйлардим. Имоним комил бўлдики, даҳмазалардан безган одамлар оддийгина маҳаллада ҳал бўладиган муаммолари учун ҳам ижтимоий тармоқларга, Президент порталига ёзишга мажбур бўлишаркан.

Ҳазрат Муқимий айтганидек: "Қилманг ёмон андишалар, яхшилари ҳам бор экан". Музработ, Бандихон, Сариосиё туманлари ҳокимлари қабулида бўлдик. Энг муҳими, улар бизнинг ташриф ва режамиздан хурсанд бўлишди. Ҳатто, муҳим маслаҳатлар ҳам беришди.

Аслида гап қайсидир туман ёки шаҳар ҳокимининг қабулига киришда эмас. Гап кундан-кунга қатъий урф бўлиб бораётган рутубатли қора панжаралар хусусида! Афсуски, қайси давлат идора ва муассасаси жорий ёки тўла таъмирга тушадиган бўлса, албатта, 3-4 метрлик қора панжара билан ўраладиган бўлди. Янгитдан қуриладигани-ку, бўлса бўлмаса! Ахир, бу қора панжараларга республикамиз бўйича сарфланаётган ноёб материаллар ва миллиард-миллиард сўм маблағлар амалдорнинг чўнтагидан эмас, давлат бюджетидан кетаяпти-ку? Давлат хазинаси бу халқ мулки ва халқ ризқи. Агар буни мамлакат бўйича ақчага чақадиган бўлсак, тоғ бўлиб кетади-ку?

Анча йиллар аввал Сурхондарёнинг собиқ раҳбарларидан бири вилоят марказидаги "Болажон" боғи атрофидаги ҳашамдор темир панжараларни олдириб ташлатганди. Бунга ҳамма тасаннолар айтганди. Чунки "Болажон" боғига бобо ва момолар набираларини, ота-оналар болаларини олиб кириши учун салкам 500 метр масофадан айланиб келишига тўғри келарди. Бундан ташқари, бу боғда биттагина кириш жойи бўлиб, кўпинча бекитилиб қўйиларди. Болалар боғи бўлса-да, қайсидир "тадбиркор" учун даромад манбаи эди. Сал ўтмай вилоят ҳокимлиги атрофидаги жимжимадор панжараларни ҳам кўчиртириб ташлаганди.

Аслида бундай панжаралар маҳаллий ҳокимиятларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилувчи идораларга эмас, юқорида айтганимиздек, давлат аҳамиятига молик стратегик объектларга, қўриқхоналарга ёки қатъий белгиланган биноларгагина ўрнатилса, кифоя, эмасми?

*Ўтган йил ёзда электр ҳақини тўлаш учун мажбурий ижронинг Музработ туман бўлимига бордим. Машинамдан тушмасдан форма кийган бир йигит бақириб келди: "Бу ерда тўхташ, машина қўйиш мумкин эмас. Кўрмаяпсизми, тўхташни тақиқловчи белги қўйилган". Нима қилиш керак, икки чақирим нарига машинани қўйиб келсам, оёғим синган, қўлтиқтаёқда зўрға юрибман. Кўчанинг бошида ИИБ идораси, ҳақиқатан ҳам тақиқловчи белги қўйилган. Ундан сўнг прокуратура, кейин суд, департамент, ҳаммаси баланд, совуқ панжара билан ўралган, қаерда тўхтасанг ҳам дакки ейсан. Охири машинадан тушолмай, қайтиб кетишга мажбур бўлгандим. Мана сизга ИНСОН омили!*

Ўйламанг, биргина Музработ туманида деб, деярли барча туманлар ва шаҳарлардаги амалдорларнинг идорасида шу аҳвол. Пойтахтдан келган бир ҳамкасбимга ҳамроҳлик қилиб, бир-икки маҳкамага бордик. Ортиқча расмиятчиликдан қон бўлиб кетган бўлса керак: "Нега бу идоралар, бу амалдорлар бунчалик зирхланган, худди "гестапо"дан қўрққандай!" — деб юборди. Расмиятчилик, сиёсат ўз йўлига, ҳамкасбим юрагининг туб-тубидан чиққан бу нидода эртанги кунга ишонч ва очиқ кўз билан қарайдиган халқимизнинг, миллатимизнинг сасини ҳис қилдим. Бизни давлатимиз, ҳукуматимиз, шонли Қуролли Кучларимиз кўз қорачиғидек ҳамма нарсадан ҳимоя қилиб турган бўлса, бунинг устига, ўз уйимиз, ўз юртимиз, ўз элимизда бўлсак. Энди маҳаллий амалдорларга бир ҳақли саволни беришга тўғри келади: бу эркин жамиятда биз нимани яширамиз, нимадан ва кимдан ўзимизни бунча ҳимоя қилиб қўриқлаймиз?!

Ахир маҳаллий ҳокимият, ИИБ, прокуратура, суд, мажбурий ижро, департамент, кадастр каби давлат идоралари ҳарбий завод, махфий база, танга ва қоғоз пул чиқарадиган зарбхона ёки ўта сир сақланадиган бирор лаборатория эмас-ку?!

Айниқса, маҳаллий давлат идораларини баланд қора панжаралар билан ўраш, ортиқча ҳашамларга кетаётган қурилиш материаллари ва маблағни энг чекка қишлоқлардаги мактаб ҳамда болалар боғчаларига, қабристонларга, маҳалла йўлларига, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга сарфласак ҳам юртимиз, ҳам халқимиз учун фойдали бўларди. Агар юқоридаги маҳаллий идораларнинг маблағи ошиб-тошиб кетган бўлса, ходимларини ўзлари қизиққан журналга, газетага обуна қилсин ёки ўша маҳкамада мўъжазгина кутубхона ташкил этсин. Бу Президентимиз илгари сурган ғояларга, бугунги замон талабига мос ва хос бўларди.

Хулоса ўрнида яқинда муҳтарам Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида алоҳида таъкидланган қуйидаги сўзларни яна бир карра эслатишни лозим топдик: "Оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларни холис ёритиш билан бирга, жойлардаги мавжуд долзарб муаммоларга давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қаратиб, уларни бартараф этишга барча даражадаги раҳбарларни даъват этиб, ундаб келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Улар том маънода "тўртинчи ҳокимият"га айланиб бормоқда.

Аччиқ ва танқидий материаллар жойлардаги кўплаб амалдорларга ёқмаслиги, уларнинг тинчи ва ҳаловатини бузаётгани бор гап. Лекин ошкоралик ва сўз эркинлиги бу — давр талаби, бу — Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг талаби".

**Сафар ОМОН,**
**"Hurriyat" мухбири.**

## ФАОЛИЯТ

***Маълумки, шу пайтгача ҳар йилнинг 21 октябрь санаси олий ўқув юртларида, таълим, маънавият муассасаларида, Ўзбек тили байрами сифатида нишонланган бўлса, 2020 йилдан бошлаб 21 октябрь мамлакат миқёсида "Ўзбек тили байрами куни" сифатида кенг нишонланадиган бўлди. Аммо...***

# Давлат тилининг нуфузини ошириш — бурчимиз

Бу йилнинг қолган саналарида она тилимизнинг давлат тили мавқеини юксалтириш, нуфузини ошириш борасида ҳеч иш қилинмайди дегани эмас, албатта.

Ўтган йилда Жиззах вилояти Ш.Рашидов туман ҳокимлиги қошида ташкил этилган Ишчи гуруҳи томонидан 48 та маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, айрим маҳалла фуқаролар йиғини номлари қайта кўриб чиқиладиган бўлди. "Учқиз" маҳалла фуқаролар йиғини номини тарихий аҳамиятга эга бўлгани учун тиклаш, шунингдек, аҳоли ташаббуси билан қайтадан берилган номлар таклифи туман комиссиясига тақдим этилди.

Бундан ташқари, жамоат жойлари, кўчалар, бинолар пештоқидаги турли лавҳа ва намойиш ёзувлари ўрганиб чиқилди. Жумладан, туман бўйича жамоат жойлари, туманлараро асосий йўллар ва шоҳ кўчалар бўйида ўрнатилган жами ташқи ёзувларнинг 442 таси мониторинг қилинди.

Шулардан ўзгартирилиши лозим бўлган 89 та ташқи ёзувлар, яъни 11 та пешлавҳа, 64 та реклама, 14 та бошқа ахборот матнлари белгилаб олинди. Шу тариқа 27 та пешлавҳа, 52 та реклама ва 12 та бошқа ахборот матнлари бўлиб, жами 91 та ташқи ёзувларнинг яроқсизлари олиб ташланди, айримлари янгисига алмаштирилди.

Ишчи гуруҳи томонидан намойиш, эълон, кўргазмали бошқа ахборот матнлари ёзувларини ўрганилганда озиқ-овқат, ичимлик маҳсулотлари, компьютер, тикувчилик, гўзаллик салони хизматлари ҳамда автомобилларга кўрсатиладиган хизматларнинг аксарият номланиши чет тилидан кириб келган сўзлар бўлиб, тилимизга мутлақо ёт эканлиги аниқланди.

Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш юзасидан юқорида айтилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда "Қадринг баланд бўлсин, она тилим!", "Тарихимсан, тақдиримсан, келажагимсан, она тилим!", "Она тилим — фахрим, ғуруримǃ" мавзуларида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда давлат тилига эътибор алоҳида ўрин тутаётгани бежиз эмас. Чунки глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир. Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаёти ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялашда мамлакатимизнинг барча соҳалари, жамиятимизнинг барча қатламларига давлат тилини тўлақонли жорий этишни тақозо этмоқда.

**Ҳуррият ИСРОИЛОВА,**
**Шароф Рашидов тумани ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси.**

## ТАЪЛИМ

# "АДАШИБ" ТАЛАБА БЎЛГАНЛАР



***Сўнгги йилларда юртимизда ёшларнинг таълим олишларига катта эътибор қаратилди. Ошкоралик тамойилига кўра, эндиликда 1,0 балл олган абитуриент ҳам, албатта, "Супер контракт" асосида, талаба бўлиши мумкин. Шу йўл билан олий ўқув юртларига кириш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш мақсадида минглаб ўғил-қизларнинг билим олишга бўлган қизиқишлари инобатга олинмоқда.***

***Ўтган йили талаба бўлиш истагида ҳужжат топширган абитуриентларнинг сони кескин ошиб, 1 миллион 484 минг 85 нафарни ташкил этди. Албатта, мамлакатимизда билим олиб, етук мутахассис бўлишни орзу қилган ёшлар талайгина. Қувонарлиси, "Супер контракт" туфайли талаба бўлганлар сони ҳам кескин ошди. Бундан ташқари, абитуриентларнинг олий ўқув юртларига киришлари учун беш йўналишни танлаш имконияти берилгани ўсмир-ёшларга катта имконият яратди.***

***Аммо қўшимча йўналишда ўқий туриб: "мен бу йўналишга адашиб кириб қолдим. Бу ерда ўқишни ўзим истамаганман. Ёқтирмаган жойимда ўқиш жонимга тегди", деб ношукурлик қилаётган талабаларга нима дейишни ҳам билмайсан... Албатта, бундай дейишларига сабаб бор, уларнинг айримлари ўзлари асосий йўналиш деб танлагани эмас, балки ўзлари рўйхатга қўшган иккинчи, учинчи йўналишлар талабаси бўлишди. Мисол учун, Мактабгача таълим йўналишида ўқиш учун тайёрланган абитуриент психология йўналишига ёки тиббиётнинг педиатрия, даволаш иши йўналишига тайёрланганлар кам балл тўплаганликлари эвазига тупроқшунослик йўналишига талабаликка қабул қилинган.***

***Хўш, энди уларнинг "олтин даври" қай йўсинда ўтади?***

Ўқиётган йўналишига меҳр қўйиб, қунт билан ўрганиб, малакали мутахассисга айланадими ёки ўқишдан кўнгли буткул совиб, дипломли ишчигами, муҳожиргами айланадими? Энг қизиғи, "адашиб ўқиётган талабалар"нинг ўзлаштириши қандай? Соҳани қунт билан ўрганаяптими?

Биз ушбу масалалар юзасидан турли йўналишларда талабаларга таълим бераётган устозлар фикри билан қизиқдик.

***Лайло Турсунова, Фарғона давлат университети санъатшунослик факультети мусиқий таълим кафедраси ўқитувчиси:***

— Орзуларнинг қаноти бор, деса ишонаверинг. Шу пайтгача олий ўқув юртига кириб ўқиш кўпчилик абитуриентлар учун ушалмаётган орзу бўлиб келаётган эди. Яратилган янги имкониятлардан фойдаланаётган абитуриентлар талабалар сафига қабул қилинмоқда. Аммо уларнинг орасида болалигидан ўзи севган йўналиш қолиб, бошқа йўналишда ўқиётган талабалар ҳам бор.

Тўғри, аксарияти янги йўналишни сидқидилдан ўрганиб, етук касб эгаси бўлиб кетади. Аксариятининг эса ўзи истамаган ҳолда, иккинчи йўналишга кириб қолганидан ўқишга умуман қизиқиши йўқ. Онлайн ёки анъанавий дарсларга келишмайди. Платформада вазифаларни ҳам бажаришмайди.

Бундан на давлатга, на ўша талабага манфаат бор. Менимча, уларни иккинчи босқичдан ўзлари танлаган йўналишга ўтказиб юбориш керак. Ана шунда ҳар томонлама фойдали бўлади.

Албатта, мулоҳазалар оғриқли, кишини ўйлантирадиган, бироқ баъзи ёшларда қизиққонлик, узоқни кўра олмаслик, кўнгли торлик бор. Улар бир сафар омади юришмаса, гўё бор имкониятидан айрилиб қолгандек, тушкунликка тушиб қолишади. Аслида, ёшлар учун эришиладиган барча имкониятлар доим олдинда бўлади. Энг асосийси, абитуриент ўспирин талаба бўлибдими, демак у ўқишга кира олмаган бошқа ёшларга нисбатан қобилиятлироқ ҳисобланади. Барчага аён, олийгоҳга кириш учун тайёргарлик кўриш машаққатли давр, билим олишга қунт қилишни, ўқиётганига эътиборли бўлишни, бир сўз билан айтганда, фидойиликни талаб этади. Кечани кеча, кундузни кундуз демай ўқиб-ўрганиб, ихлос билан ҳаракат қилганларгагина талабалик насиб этади.

Аммо энди хоҳишсиз ўқиётганлар курсдошларини ҳам ўзлаштиришда ортга тортишлари турган гап. Аслида, уларнинг адашиб ўқиётганликлари қанчалик тўғри?

***Феруза Раҳмонова, Андижон давлат тиббиёт институти стоматология факультети катта ўқитувчиси:***

— Бу яратилган имконият кўпчилик ёшларнинг дилидаги орзуларини ушалтирди. Маълумки, айрим абитуриентларнинг талаба бўлишига озгина балл етмай қолиши тўсиқ бўларди. Энди хоҳиш бўлса бас, талаба бўлишига имкон бор.

Лекин шунга қарамай, бир ноқулайлик томони ҳам бор-да. Ўзи танлаганидан бошқа йўналишга кирган талабанинг ўқиш манзили ҳам ўзгариб қолиши мумкин. Бу ерда талабанинг ижтимоий аҳволи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Барибир талабаларнинг: "мен бу ўқув юртига адашиб тушганман", деб иддао қилиши мутлақо ўринсиз. Чунки уларга қўшимча йўналишларнинг қайсидир жиҳати маъқул келганки, бу йўналишни ҳам ўзлари танлашган. Шундай экан, бундай гап-сўзлар ўрнига, ўқиётган йўналишига қунт билан ёндашиб, тинимсиз изланиб, интилиб ўз устида ишлаб, юксак марраларга эришиши, албатта, уларнинг давлатимиз томонидан яратилган имконият ва кўмакка муносиб жавоблари бўлади.

***Жамшид Баширов, Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани 25-умумий ўрта таълим мактаби 11-синф ўқувчиси, Қақнус номидаги журналистика нотиқлик ва режиссёрлик тўгараги аъзоси:***

— Менинг кўп танишларим ҳам учинчи, тўртинчи йўналишларда ўқишаяпти. Агар ўзи танлаган йўналишга ҳужжат топширишганда талаба бўла олишмасди. Буни ўзлари ҳам биларди. Мен ҳам бу йил насиб бўлса, мактабни битираман. Биз ҳужжат топширадиган 2021-2022 талабаликка қабул қилиш йилида ҳам бирваракай бешта йўналишни танлаш имконияти берилса яхши бўларди. Юқоридагидек ҳолатга тушмаслик учун эса тенгдошларимдан танлаётган олий таълим муассасаси ҳамда йўналишларга диққат билан эътибор қаратиб, ҳар томонлама ўйлаб кўргачгина қарор қабул қилишларини сўраган бўлардим.

Билдирилган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, соҳанинг яхши-ёмони бўлмайди. Чунки, бугун юртимизда барча соҳа вакилларига талаб ва эҳтиёж мавжуд. Қайси соҳани эгаллашимиздан қатъи назар бор салоҳиятимизни ишга солиб, етук кадрга айлана олсак бас. Бунда халқимиз ҳамда давлатимиз учун хизмат қилиш олий бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз даркор. Бир ўринга даъвогарлик қилган ўнта тенгдошимиз ичидан билимимиз етиб, талабалик бахтига эришган эканмиз, бу катта ютуқ. Негаки бугун ўрнимизда бошқа абитуриент талаба бўлиши ҳам мумкинлигини унутмаслигимиз керак. Ундан кўра, эртанги кун учун бизга катта умид боғлаганларнинг ишончини оқлаш йўлида тўхтовсиз билим олишга ҳаракат қилмоғимиз керак.

**Камолиддин РЎЗИМАТОВ,**
**Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳарбий журналистика йўналиши талабаси.**

ИККИНЧИ ФИКР

# ТАСВИРГА ОЛИШНИНГ ҚОИДАСИ бор, шуни ҳам билмайсизми, БЛОГЕР!



*Бугунги суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар эндиликда судларнинг чинакам мустақиллигини, очиқ ва шаффофлигини таъминлашига шубҳа йўқ.*

**Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда судлар фаолияти билан боғлиқ салбий чиқишлар кўпайди. Тўғри, жамиятда сўз эркинлиги таъминланмоқда. Аммо бу дегани билиб-билмай судга таъсир ўтказиш, оммага нотўғри ахборот бериш керак дегани эмас-да!**

Ўтган йилнинг 28 декабрь куни “UzNews.uz” мухбири, тадбиркорлик субъекти мурожаатига кўра, Олий суднинг иқтисодий ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилаётган иш бўйича суд мажлисида иштирок этган.

Айтадики, Очиқ суд мажлисларида ОАВ вакиллари иштирок этишига тўсқинлик қилинмаслиги қонунларимизда белгилаб қўйилган. Ушбу тамойил иқтисодий, шунингдек, фуқаролик, жиноят ва маъмурий судловларни амалга оширилишини тартибга солувчи Кодексларда ҳам ўз аксини топган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги қарорида суд муҳокамаси ошкоралиги процесс иштирокчиси бўлмаган шахсларга, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари вакилларига суд мажлисида қатнашиш имконияти берилиши билан таъминланиши кўрсатилган”.

Тўғри. Аммо оммавий ахборот воситалари ходимлари қандай ҳолатларда видеотасвирга олиш масалалари ҳам пленум қарорида аниқ белгилаб берилган.

Суд биноси шунчаки кирди-чиқди жой эмас, истаган одам “тап” этиб бостириб кираверадиган. Бу ерда низолар кўрилади, тарафлар юзма-юз бўлади, инсон тақдири ҳал этилади. Шунинг учун ўзини ҳурмат қилган журналистми, блогерми суд мажлисига келгач, аввало, оддий рўйхатдан ўтиши керак. Иш билан бирон идорага борилганда ҳам киришга рухсат сўралади-ку, шундай эмас-ми? Суд жараёнини тасвирга олиш масаласи эса алоҳида масала. Бунда тарафлар розилиги сўралади, албатта. Ва раислик этувчининг рухсати керак бўлади. Бу оддий қоидаларни айрим блогерлар тан олгиси келмайди негадир. Демоқчимизки, блогер масаланинг моҳиятини билмай туриб муносабат билдиришдан олдин, этика ва маданиятини ўрганса яхши бўларди. Судьянинг суд мажлисида ким иштирок этаётганлигига аниқлик киритиши, бу блогернинг сўроққа тутилишини англатмайди.

“Namanganliklar.uz” канали блогери эса жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг очиқ суд мажлисига киритилмагани, очиқдан-очиқ таҳдид ва қаршиликларга учрагани ҳақида бонг урибди. Бу ерда ҳам ваҳима қилишга асос йўқ. Чунки, уларнинг асосий мақсади келибоқ жараённи видеотасвирга олиш бўлган. Аммо юқорида айтганимиздек, бунинг ўз тартиб-қоидаси бор. Биринчи навбатда, судда қатнашаётган тарафларнинг, қолаверса, раислик қилувчининг розилигини олиш лозим бўлади. Айтинг-чи, ҳамма ҳуқуқбузар, жиноятчи, мерос талашаётган фуқаро ёки шартнома талабини бузган тадбиркор ҳам ўзини тасвирга туширтириб, оммага эълон қилишни истайдими? Бу ўта нозик мавзу.

Ижтимоий тармоқларда шов-шувга сабаб бўлган яна бир воқеа бу “Effekt.uz” мухбири Э.Тожибоевнинг тасвирчиси билан жиноят ишлари бўйича Термиз туман судига бориб жанжал уюштиргани бўлди.

“Биз оммавий ахборот воситаданмиз, биз судни ёритишга ҳақлимиз”, дейди блогер. Унинг суд раисига босим ўтказгани тарқатилган видеода очиқ ойдин кўриниб турибди.

Биринчидан, блогер ОАВ вакили ҳисобланмайди, у шунчаки сўз эркинлигидан фойдаланиши мумкин бўлган ҳар бир фуқаро билан теппа тенг бир фуқародир. Кўпгина блогерлар Бош қомусимизда “судларда ишлар очиқ кўрилади”, дейилган деб иддао қилишади. Гўё фақат ўзларига тегишли моддани ўқигандек. Аммо улар гўё 112-моддани унутадилар. Яъни, “Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятларига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади” дейилган.

Қизиғи, суд жараёни кетаяпти. Блогер раис ҳузурига кириб интервью олмоқчи. Ҳали қарор қонуний кучга кирмаган. Жиноят процессуал кодексининг 14-моддасида аниқ ёзиб қўйилган: “Суднинг иш юритувида бўлган ишлар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари қонуний кучга киргунга қадар судья улар юзасидан оммавий ахборот воситларида чиқишга ҳақли эмас.” Судья буни жуда яхши билади. Шунинг учун касб қоидаларига амал қилиб, интервью беришга шошилмайди.

Блогернинг: “Биз бу суд жараёнини тасвирга олишимиз керак”, дейиши қанчалик тўғри эканлигини ўзингиз тушуниб олаверинг.

Афсуски, аксарият блогерлар ушбу қоидаларни синчиклаб ўқимаган. Агар ўқиган бўлишганида, уларнинг жанжал уюштиришига ҳожат қолмасди. Қани бу ерда одоб этикаси, муомала маданияти. Афсуски, айрим блогерлар соҳани ёритар экан, масаланинг ичига чуқурроқ кириб боришмайди.

Юқоридаги уч ҳолат бўйича Олий суд ва Судьялар олий кенгаши томонидан муносабат билдирилди. Айни пайтда “Effekt.uz” мухбирининг хатти-ҳаракати юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ўрганиб чиқиш учун прокуратура идораларига юборилган.

Айтиш жоизки, бугунги кунда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар боис, ОАВ билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Олий судда Жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик бошқармаси ташкил этилди. Вилоятларда бошқарманинг ходимлари иш олиб бормоқда. Улар журналистлар ва блогерларнинг ҳар қандай саволига жавоб беришга тайёр. Мурожаат қилинса, кифоя.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, битта хулоса қилиш мумкин: журналистлар, ОАВлари профессионал касб эгаларидир. Улар қонун-қоида талабларини яхши биладилар. Касб этикасига эга инсонлар. Аммо... бугунги кунда, асосан, ижтимоий тармоқларда турли шов-шув кўтараётганларнинг аксарияти ҳар хил сайту тармоқ мухбирларимиз деб ўзларини билаётганларнинг асл мутахассисликлари ким, қонунларни билишлари, қисқача айтганда савод масаласи нечоғлик, оддий инсоний фазилатлари-чи?

Афсуски, бу саволларга кўпинча ижобий жавоб бериб бўлмайди. Шундай экан, билиб қўйинг эй, сиз блогерлар, ахборот олишнинг, сўз эркинлигидан фойдаланишнинг ҳам ўз тартиби, одоби бор!

**Зокиржон ҚЎЗИБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди Жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик бошқармаси катта маслаҳатчиси.**

АФСУС

# Энди Тошкентнинг “оқшоми” йўқми?



***Матбуот уйи. Иккинчи қаватда на бир қадам товуши, на қўлига газета саҳифаларини кўтарганча елиб-югурган мусаҳҳиҳу мақола ёзаётган мухбирларнинг овозлари эшитилмайди. Қоп-қоронғи. Сукунат. Қизиқиб, тўғрига юрганимни биламан, бошим қулфланган эшикка бориб урилаёзди. Беихтиёр тепага қарадим — “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталари таҳририяти деган ёзувлар битилган. Анчадан буён очилмаган ёпиқ хоналар мунғайиб турибди, гўё...***

2020 йил 1 январь куни чоп этилган марказий газеталарнинг адади ҳақидаги маълумотни изладим. Муассиси Тошкент шаҳар ҳокимлиги бўлган “Тошкент оқшоми” – 1 минг 162 та, “Вечерний Ташкент” – 793 та ададда чоп этилган экан. Худди шу куни Тошкент вилояти ҳокимлиги муассислигидаги “Тошкент ҳақиқати” газетасининг адади 10 минг 435 тани ташкил этган...

Тошкент шаҳри. Жуда ҳам гўзал, тўғрими? Бир томонда қўша-қўша қурилаётган “City”лар, осмонўпар бинолар, гўзал хиёбонлар... Қишлоқда кеч тушиши билан чироқ ўчиб, зарур иш билан юрак ютиб кўчага чиқсангиз, зим-зимистонда тиззангизгача лойга ботадиган бир пайтда, Тошкентда ҳаёт қайнайди. Ишонаверинг, ҳамқишлоқ, бу ерда оқшом кундузлардан-да ёруғ бўлади!

Лекин “Матбуот уйи”нинг иккинчи қаватида эса кундузи ҳам зим-зиё қоронғилик ҳукмрон.

Афсус, ярим асрдан зиёд тарихга эга, қанчалаб журналист, шоир-ёзувчиларга мактаб вазифасини ўтаган газета кўпдан буён чоп этилмаяпти. Vtopoytaxt.uz расмий веб-сайтида “Тошкент оқшоми” газетасининг 2020 йил 11 мартда чоп этилган 36-сонигача электрон нусхаси жойланган. Ижтимоий тармоқларда эса *“Мамлакатимизда коронавирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида жорий этилган карантин сабабли “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарининг чоп этилиши вақтинча тўхтатилган. Газетада берилиши мўлжалланган мақолаларни таҳририятнинг телеграм канали ҳамда расмий веб-сайти, шунингдек, фейсбукдаги саҳифаси орқали кузатиб боришингиз мумкин”* деган қисқа хабар жойланган, холос.

Нашрнинг телеграм канали обуначилари (подписчик) сони 700 нафардан зиёд. Аммо айни кунгача бу ўзанда эълон қилинаётган материалларни атиги 50-60, ошиб борса 100 киши кўрган(просмотр).

Расмий веб-сайтга кириб, “Тошкент оқшоми”нинг 2020 йил 1 январь сонига кўз югуртирдим. Деярли барчаси — ЎзА мақолалари. Камига, ЎзАда эълон қилинган 7 қисмли “Янги тарихнинг бир йили: улкан мақсадларга катта жасорат керак” деган мақола тўлиғича, лекин шу ҳам сарлавҳада хатолик билан чоп этилган. Яъни, газетада “Янги тарихнинг бир йили: улкан мақсадларга ка7тта жасорат керак” тарзида кетган...

Ҳа айтганча, газетанинг 2020 йил 8 январдаги сонида ҳам ЎзА мухбирлари томонидан ёзилган мақолаларда фақатгина муаллифларнинг исм-фамилиялари кўрсатилган, холос. Ўша вақтларда “Газеталар шарҳи” телеграм каналида эълон қилинган *“Тошкент оқшоми”нинг бахтига ЎзА, ЎзАнинг бахтига эса “Тошкент оқшоми” соғ бўлсин”* деган кинояли постнинг маъносини энди тушуна бошлагандайман.

Бу билан, аччиқ бўлса-да, айтмоқ керак: газета фаолияти тўхтаб қолганига фақатгина муассис эмас, балки таҳририят ижодий жамоасининг ҳам айби борга ўхшайди. Чунки бугун ўқувчи фақатгина расмий ёки турли электрон нашрларда эълон қилинган мақолаларни қоғозга қайта босган билан ўқимайди. Ўқимагандан кейин ким ҳам обуна бўларди. Обуна бўлишмагач, ҳар қандай нашр тўхтаб қолиши табиий-да!

*— Адашмасам, 2007-2008 йиллар. Талабалигимда “Тошкент оқшоми”ни кўп ўқирдим. Ҳар ҳолда, не-не буюк устозларга мактаб бўлган нашр, кунлик газета эди. Ҳозир унинг чиқмаётганини тўғриси билмас эканман. Газета кейинроқ чоп этиларканми?* — дейди Олмалиқ шаҳрида истиқомат қилувчи муштарий Дилдора Абдураҳмонова.

“Тошкент оқшоми” газетасининг муассиси бўлмиш шаҳар ҳокимлиги бу борада нима деркин?

*— Газета бош муҳаррири билан боғландингларми? Аввал Акмал ака билан (бош муҳаррир А.Акромов) гаплашинглар, кейин биз муносабат берамиз. Газета чиқмаганига сабаб — у маблағ қидиряпти,* — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари Фурқат Маҳмудхўжаев, — телефон орқали мулоқотда.

Хўп дедик. Газета бош муҳаррири Акмал Акромов билан боғландик:

*— Бошида кам адад билан бўлса-да газетани чиқариб туришга ҳаракат қилдик. Рекламалар туширдик, харажатларни қоплаш йўлларини изладик. Ўзимизни оқламоқчи эмасман, лекин жамоамиз билан имкон қадар ҳаракат қилдик.*

*Пандемия сабабли бюджетда узилишлар бўлди. Муассисимизга хат билан чиққанмиз. Улар тез орада бизга ёрдам беришмоқчи. Ҳозир нашриётдан 2 миллиард сўмдан ортиқ қарзимиз бор, айни кунда шу масалага ечим излаяпмиз. Озгина сабр қилайлик-чи, ўзгариш бўлиб қолар...*

Аммо “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунда: **“Оммавий ахборот воситасини чиқаришга киришиш ҳуқуқи гувоҳнома олинган кундан бошлаб олти ой давомида сақланиб туради. Белгиланган муддат ичида оммавий ахборот воситасининг бирорта ҳам сони (дастури) эълон қилинмаган тақдирда рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади”**, дея белгилаб қўйилган. Афсуски, газета нашр этилмаётганига аллақачон ярим йилдан ошган...

Наҳотки узоқ тарихга эга бўлган ўз нашрини мамлакат пойтахти бўлган Тошкенти азимдек шаҳар асраб қололмаса? Қачонки, айрим вилоят ҳокимликларининг газеталари 20 минг ададга яқин нусхада чоп этилиб турганда, пойтахт нашри нега бу аҳволга тушиб қолди? Уни ўнглашнинг имкони йўқми?

Бу ҳақда шаҳар ҳокими Ж.Ортиқхўжаев нима дер эканлар?

... Матбуот уйи. Иккинчи қаватда на бир қадам товуши, на қўлига газета саҳифаларини кўтарганча елиб-югурган мусаҳҳиҳу мақола ёзаётган мухбирларнинг овозлари эшитилмайди. Қоп-қоронғи. Сукунат...

Ҳа, айтганча, пойтахтда “Тошкент оқшоми” газетаси чиқмаётган бўлса-да, шу номдаги спиртли ичимлик чиқаётган экан. 0,5 л., 0,75 л. ва 1 л. ҳажмда. Айтишларича, газетадан кўра жуда қиммат, лекин бозори чаққон эмиш!

**Абдулазиз АҲМЕДОВ.**



# МАТБУОТ — ЗИЁ МИНОРАСИ

## ёки газетани дазмоллаган қишлоқ аёли

1-б.

Мен “Hurriyat”нинг 2021 йил, 13 январь, 2-сонида эълон қилинган “Матбуотдан безор миллат эмасмиз!” мақоласини ўқиб шундай ҳолатга тушдим. Почтачини мендек яхши кўрадиган, мендек кутадиган таниш манзара! Таниш хотиралар, ҳатто қор-ёмғиргача таниш! Маҳалламизда ҳамманинг уйига газета ё журнал ташланарди. Жуда бўлмаса туман газетаси. Бизларникига эса газета-журналларга қўшилиб хат ҳам келарди. Албатта, менга! “Саодат”, “Ёш ленинчи”, “Ленин учқуни”, “Гулхан”, “Ғунча” таҳририятларидан йўлланган жавоб хатлари. Улар ҳозиргача китобларимнинг қаватларида энг азиз кунларимнинг – ёшлигимнинг бетакрор дамларини ёдимга солиб туради. Тўрт қаторгина ёзилган мактуб орзуларимнинг бўй чўзишига умид берарди. Изланардим, кетма-кет таҳририятларга ҳикоялар, мақолалар жўнатардим. Гоҳида гонорар – қалам ҳақи квитанцияси келса, мактабда овоза бўларди. Почтага ошиқардим. Катя опа деган басавлат аёл, “Как приятно”, деб қўлимга пул тутқазарди. Мен катта имконият эгасига айланардим ўша дамда. Оиланинг кам-кўстига ҳисса қўшгим келарди...

Рус тилини яхши билмасак-да, “Комсомольская правда”, “Огонёк” нашрларини ҳам олардик. Темирчи отам бир ойлик иш ҳақини тўққиз нафар боласининг обунасига ажратарди. Мен сизларга катта уй-жой, машина ваъда қилолмайман, — дерди отам. — Лекин китоб-дафтарингга керагини топиб бераман... Олим бўлишдан олдин, одам бўлиш керак... Ўйлаб қарасам, деярли ҳаммамиз, аввало, яхши одам бўлиш учун яшагандекмиз. Матбуот билан мунтазам боғлиқлик – эзгулик билан, умид билан, орзу билан ёруғ бир оламга олиб киришини бола кўнглимиз ҳис қилган экан, дейман. Аксарият қўшниларимиз битта сумкани икки киши тутарди, битта галстукни тақиш учун ака укасини, сингил опасини кутиб ўтирарди. Бир ўзимга, деган гап аҳён-аҳёнда эшитиларди. Лекин китоб олмасликни, газета-журналга обуна бўлмасликни хаёлига ҳам келтиришмасди. Ўйлаб қарасам, маҳалламиздаги ота-оналар ҳунарманд, косиб, деҳқон, боғбон, касалхона фарроши, ҳайдовчи, ҳамшира.. битта ўқитувчи ва битта фельдшер эди. Улар фарзандларининг катта одам бўлиши учун ҳамма нарсага тайёр эди, мактабда айтилган топшириқни ҳеч ким муҳокама қилганини эслолмайман. “Биз аллақачон обуна бўлганмиз” деб фахрланиб қўйишарди муҳим топшириқни бажаргандек... Мана шу самимийлик дунёнинг устунига айланган эди. Газета-журналдан иқтибос келтириш — оддий кўнгил кечинмаларининг изҳори уларнинг чеҳрасига табассум ёярди. Мана шу кайфият уларни дадил қиларди, ота-она бўлса-да ўқиб-ўрганишга чорларди. Газета-журнал тахламлари уларнинг нон қўйиладиган токчаларидан ёнма-ён жой оларди. Навбат билан, қўлма-қўл ўқилган нашрлар хазинадек сақланарди. Ҳамон уларнинг уйига кирсангиз, ўша кунларнинг иформни туясиз! Уринган бўлса-да, муқовалари елимланган бўлса-да саҳифаларига кўз ёшлари, қувончлари томган мулкини асраб-авайлайди.

Мақола муаллифи — Гўзал, мақолани жуда чиройли ёзибди. Маза қилдим. Болалигим билан учрашгандек бўлдим. Хотиралар елканг оша орқага қараганингда ёдингга тушади, дейди. Мен кўнглим билан унинг ичига кирдим. Ҳозир сумкасида қувонч олиб юрадиган почтачи Дилбар опа, Машкура опаларни кўргим, уларга “раҳмат” айтгим келди. Қор-ёмғирларда ивиган рўмоллари устидан салафан — елимқоғоз тортган, калишлари намиқиб кетса-да, нашрларни кечикмай тарқатадиган бу опаларни соғинибман. Эслайман... почта келадиган пайти, айниқса, қор-ёмғирли кунларда эшик олдида ё мен, ё онам турардик. Почта қутимиз йўқ эди. Газета - журналлар ёриқ эшикнинг бурчига қўйиб кетилса, ҳўл бўларди.

Ўша куни эрта баҳор эди. Онам қариндошларникига йиғинга кетди, мен мактабга. Ёмғир аралаш қор ёғарди. Дарс кеч тугади. Шошиб уйга келдим. Эшик тирқишида ҳеч нарса йўқ! Ромли айвонга қадам қўйдим. Қўлига ҳеч қачон дазмол ушламайдиган онамнинг қўлида дазмол. Ҳайрон бўлдим. Қарасам, оқ чит рўмолнинг ўртасига газетани қўйиб дазмоллаб қуритаяпти. Мени хафа бўлмаслигим учун келгунимча улгурмоқчи бўлганини сездим. Бурним ачишди, нима дейишни билмайман. Келганимни сезган онам, салгина ҳўл бўлибди газетанг, деди. Дунёнинг барча қор-ёмғири устимга тўкилса ҳам энди мен ивимас эдим!..

Йиллар ўтди, “Соғлом авлод” газетасида муҳаррирлик пайтим саксон ёшдаги онам ҳеч кимнинг тўй - маъракасини чоршанбага қўйдирмас эди: чоршанба куни Дилфузанинг газетаси чиқади, дерди. Ўзи айтганидек, мактаб кўрмаган онам менинг газета-журналларимни шундай эъзозларди.

Бугун-чи? Янги аср, янги замон. Одамлар замонавий, ўқиган. Лекин зиёли деб айта оламизми? Агар уйига битта ҳам нашр бормаса?! Ҳозир почтачиларни кўрган одам, пенсия келди шекилли, дейди. Чунки битта маҳаллада нечта обуначи бор? Бармоқ ҳам ортиб қолади... тўғриси...

Ҳурматли Президентимиз минбардан матбуот нашрларининг аҳамияти ва ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳақида такрор-такрор нутқ сўзладилар. Аммо шунга қарамай болалар нашрининг обунаси ачинарли аҳволда – бор-йўғи 1000, 2000 ададда! 37 миллион аҳолиси, 6 миллиондан ортиқ оилалари бўлган миллат учун бу уятли ҳол эмасми?! Яна ўн ё йигирма минг деб ўқиманг!

Биз мустақиллик йилларида юз мингдан зиёд нусхадаги нашримизни наҳотки ўн минг деб ўқисак, адашибмиз МИНГта экан! Ўн мингдан зиёд мактаб! Унда қанча бошланғич синф ўқувчилари бор. Мингтага биттадан тўғри келармикин? Одамнинг юзи иссиқ, дейди. Китобнинг, газета-журналларнинг юзи оловли, юрагимизни, умримизни иситади, тафт беради. Ўзига тортади. Аммо бу нашрларни кўрмаган, қўлига тутмаган, таъмини тотмаган бола, агар шу нашр унга тавсия қилинмаса, қандай йўл тутади, уни қандай қилиб ўқийди? Қолаверса, салла олиб кел деса, калла олиб келаётган вилоят ҳокимлари мактаб директорларига “мажбурий обуна тақиқланади” деб хат чиқариб ўтирса. Ахир, илм-маърифат ҳамиша мажбурий йўл билан олиб борилган-ку: мажбурий таълим деймиз, мажбурий хизмат деймиз, мажбурий обунага келганда эса чўнтакларимизга қўшилиб юрагимиз ҳам ачишади.

Болалар нашрлари кичкинтойлар қалбида китобга меҳр уйғотадиган илк кўприк. Бугун мана шу зумрад кўприкнинг мустаҳкамланишига ҳар биримиз ўзимизнинг амалий ҳиссамизни қўшсак, шу миллат, шу халқ учун битмас-туганмас савобли ишга қўл урган бўламиз. Унутманг, ўқиган миллатнинг фарзандлари эр бўлади! Зеро, матбуот ичимиздаги устунни қувватлантирадиган — зиё минбаридир, зиё минорасидир!

**Дилфуза ШОМАЛИКОВА,**
**“Ғунча” журнали бош муҳаррири.**

# ЎЗИНИ БИЛМАГАН

## ҚУЮШҚОНДАН ЧИҚАДИ

1 Ҳазрат Мир Алишер Навоий – башарият тарихида туркийзабон адабиётнинг тамал тошини мустаҳкам қўйган, ўша давргача сарой шоирлари “темирчи босқонга болға урганда чиқадиган товуш”га ўхшатиб истеҳзо билан камситган бизнинг қадим она тилимизда ботинию зоҳири гўзал, дунё маданий-маъавий меросининг дурдоналаридан бўлиб қолган асарлар яратган мутафаккир ижодкор. Алишер Навоий – дунёвий ва уҳровий илмлар соҳиби ва уларга амал қилиб яшаган, Аллоҳ мартабасини баланд этган покиза зот. Алишер Навоий ҳам бадиий асарларидаги ғоялари, ҳам фаолияти билан мамлакатда тинчлик барқарор бўлиши, тож-тахт учун қонли курашларнинг олдини олиш, меҳнаткаш эл-улуснинг офиятда яшаши учун ақлу донишмандлик билан курашган арбоб. Алишер Навоий – ҳаёти давомида орттирган бойликларини йўллар, кўприклар, масжид ва мадрасалар қуришга, илму иқтидор аҳли, толиби илмларни қўллаб-қувватлашга, эҳтиёжмандларнинг оғирини енгил қилишга сарф этган саховатпеша, маърифат ва маданият ҳомийси...

Навоий Ҳазратларининг қўлига гитара тутқазиб қўйганлар буни билишармиди? Йўқ, улар ўзбекона тарбия олмаган, кўча одамлари бўлсалар керак.

Ўрта асрларда қаламкашлар орасида “Хамса” ёзиш анъана бўлгани боис ўнлаб “Хамса”лар яратилди, улар орасидан Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий яккалам этган “Хамса” асарлари бадиий-ғоявий юксаклиги билан нозиктаъб ўқувчилар қалбини ўзгача ром этиб келмоқда. Олимлар, адабиётсеварлар ижодкорларнинг беш достонлари орасида Алишер Навоий “Хамса”сини яна алоҳида эътироф этадилар. Бу ҳақда уларга гапиргандан фойда йўқ, Ўзи адаштирганни бандаси йўлга сололмайди...

Келинг, эътиборингизни бир ривоятга қаратсак:

XIX аср иккинчи ярмида Марғилоннинг “Чаҳорчинор” маҳалласида яшаган, Умидий ва Чаҳорчинорий тахаллуслари билан ғазаллар битиб юрган шоир навбатдаги “Навоийхонлик”ка йиғилганларнинг эътиборини ўзига қаратиб:

“Мен бир нарсага жуда ҳайрон қолдим, – деб гап бошлабди. – Навоийнинг бир ғазали:

*Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокрок,*

*Кирпиким шабнам тўкулган сабзадан намнокрок,* –

байти билан бошланади. Қаранг-а, инсоннинг кўкси субҳдаги осмондан ҳам қонталашроқ, чокроқ бўлиши мумкинми? Назаримда, ҳазрат муболағани ақлбовар қилмайдиган даражада ошириб юборганга ўхшайдилар”...

Умидийнинг бу гапи, яъни Навоийга эътирози йиғилганларнинг кайфиятини бузибди. Шу куни даврага файз кирмабди. Ихлосмандлар Умидийнинг фикрига муносабат ҳам билдирмабдилар, ортиқча сўз ҳам айтмабдилар...

Умидий қанчалар нотўғри иш қилганини тушунса-да, энди кеч... У ҳам кулбасига қайтиб, изтиробга ғарқ бўлиб, бедор ётибди, тонголди кўзи илинибди.

...Катта гулзор... Япроқлари шовуллаб турган дарахтлар соя солган йўлакдан Мир Алишер Навоий юриб келаверибдилар. Ўзини бефаросатликда айблаб хоки туроб бўлиб ётган Умидий устоди комилни узоқдан кўрибди-да, ҳузурларига пешвоз бориб, чопонларининг этагини кўзига суртиб узрлар айта бошлабди.

“Тур, бўтам, тур!” – дея Умидийнинг бошини силабдилар Навоий.

Худди шу ерда ҳаяжону титроқ билан кўзини очган Умидий англабдики, кўрганлари туш экан. Сапчиб ўрнидан турибди, таҳорат олиб икки ракат нафл намозини ўқибди. Сўнгра токчада турган Навоий “Девон”ини олиб, юқорида тилга олинган ғазални очибди ва беихтиёр унга мухаммас боғлашга тушибди. Кўзига ёшлар, дилига мисралар қуйилиб келибди. Умидийнинг бизга етиб келган ўша мухаммаси мана бундай бошланади:

*Аё, Умидий қулинг бефаҳму беидрокрок...*

Қарангки, шоир худди шу кеча ўзи билмаган ҳолда адабиётнинг бу жанрига янгилик киритган экан. Яъни, ўша пайтгача (ва ундан кейин ҳам) бирор ғазалга мухаммас боғлаган шоирлар ўз тахаллусини фақат асарнинг охирги байти олдидан келтирган бўлса, қилиб қўйган хатоси, “бефаҳму беидрокрок” эканлигини имкон қадар тез тан олишга шошилган Умидий “Мен айбдор, мен нодон қулингиз...” деб бош эгиб узр сўраган каби ўз тахаллусини мухаммаснинг биринчи байтидаёқ келтирган экан.

МИР АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ АСАРЛАРИ, ХОТИРАСИ ВА ХУДДИ ШУНИНГДЕК, АСЛ МУТАХАССИСЛАР У ЗОТНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ОЛАМИНИ ЧУҚУР ЎРГАНИБ ЯРАТГАН БАДИИЙ, МАДАНИЙ АСАРЛАР, ЁДГОРЛИКЛАР, ТАСВИРУ ЭСДАЛИКЛАРГА ЎЗ ИХТИЁРИМИЗ БИЛАН БИР НУҚТА ҚАДАР ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ЯНГИЛИК КИРИТИШГА, УЛАРНИ ЗАМОНАСОЗ ЭТИШ УЧУН УРИНИШГА, МИЛЛАТ ВА УЛУҒЛАРИМИЗ РУҲИЯТИГА ЁТ НИМАЛАРНИДИР ТИРКАШГА ҲЕЧ КИМНИНГ, ҲЕЧ КИМНИНГ!.. АЙНИҚСА, ЎЗБЕКИСТОН ЗАМИНИДА ЯШАБ ТУРИБ РОК ГУРУҲИГА ОДАМЛАРНИНГ ТИЛИ АЙЛАНАДИГАН, ЭЛ ТУШУНАДИГАН НОМ ТОПИШНИ ҲАМ ЎЗИГА МУНОСИБ КЎРМАГАН FLYIN UP КАБИЛАРНИНГ НА ҲАҚҚИ, НА ҲУҚУҚИ БОР!

Демоқчимизки, қалблар оби раҳмат каби баҳраманд бўлаётган, эъзозлаган, фахру ифтихор этган миллий-маънавий чашмалар, булоқларга... кечирасизлар-у, ювиқсиз қўл-оёқ билан яқин бориш ҳам жуда хунук, маънавий басирликка ўхшайди. Она ўзбек тилимиз бойлигини жамлаб, уларнинг қиёфа-ю мағзини ўз асарларида маржон каби жилолантириб; халқимизнинг фазилат, фасоҳат, илму камолот, саховатини инсониятга мангу ибрат бўлиб қоладиган саодатбахш меросида барҳаёт гуллар каби яшнатиб-яшартириб кетди. Мир Алишер Навоийнинг асарлари, хотираси ва худди шунингдек, асл мутахассислар у зотнинг ички ва ташқи оламини чуқур ўрганиб яратган бадиий, маданий асарлар, ёдгорликлар, тасвиру эсдаликларга ўз ихтиёримиз билан бир нуқта қадар ўзгартириш ёки янгилик киритишга, уларни замонасоз этиш учун уринишга, миллат ва улуғларимиз руҳиятига ёт нималарнидир тиркашга ҳеч кимнинг, ҳеч кимнинг!.. айниқса, Ўзбекистон заминида яшаб туриб рок гуруҳига одамларнинг тили айланадиган, эл тушунадиган ном топишни ҳам ўзига муносиб кўрмаган FLYIN UP кабиларнинг на ҳаққи, на ҳуқуқи бор!




Сўзимизни шу ўринда тугатмоқчи эдигу, аммо бу ҳолат устозлар ўгитларига хилоф... Беихтиёр Навоий ҳазратларининг “Эл нетиб топкай мениким, мен ўзимни топмасам” деган сатрлари дилга келади. Ўзини билмаган, билишга ҳам интилмай, осону арзон “карамшўрва”ларга бўкканларнинг тақдирига улуғларимиз сочиб кетган зиёлардан қатра-қатра, зарра-зарра бўлса-да, насиб этишини чин дилдан тиладик. Зеро, Навоий меросининг қатра-ю зарралари ҳам англаган қалбларни эзгулик, чин инсонийлик, икки дунё саодати йўлига муҳаббат, ўзликка садоқат туйғулари билан нурлантирмоққа қодир.

**Муҳтарама УЛУҒОВА,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходими.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

*Ҳар бир миллатнинг маданий-маърифий ҳимояси маънавий бузруклар ва бугунги авлод орасидаги йўлнинг қай даражада туташлиги билан далилланади. Зеро, ҳар бир халқнинг олиму фузалолари унинг маънавий туморидир.*

*Муҳтарам Президентимиз шу йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш юзасидан видеоселектор ўтказиб, бу мавзуга алоҳида тўхталди, муаммолар илдизини қалб кўзларимиз билан кўришга чорлади. Бироқ...*

*Бироқ сўнгги кунларда ижтимоий тармоқларда қўлида гитара ушлаган Навоий бобомиз сурати кескин муҳокамаларга сабаб бўлди. Ахир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг пицца ушлаб турган катта қилиб ишланган сурати акс этган реклама тахтачасини Қарши шаҳридан олиб ташланганига ҳали у қадар кўп вақт ўтгани йўқ эди. “Hurriyat” газетасининг 2020 йил 8 мартда чоп этилган “Бобомиз пицца сотганми?” мақоласидан сўнг эндигина Қашқадарё вилояти мутасаддилари томонидан таҳқирланган буюк аждодимиз суратини олиб ташлашга эришилган эди. Эҳтимол, эртага Амир Темур бобомизнинг тамакини тарғиб қилаётган, Нодирабегимнинг рок мусиқасига рақс тушаётган суратлари акс этган тасвирлар пайдо бўлса ҳам бир тукимиз қилт этмас. Бутун дунё бизнинг илмимизни олиб кетиб, амалда татбиқ этаётган, салла-чопондаги боболаримиз ҳайкалларини ўрнатиб эҳтиром кўрсатаётган бир пайтда, биз ўз қибламизни йўқотиб қўймаяпмизми? Тарихга написандлик, улуғ аждодларимизга нисбатан найрангбозлик бу ўзимизни таҳқирлаш эмасми? Юқорида ҳавола этилган мақолада ана шу каби оғриқли саволларга жавоблар изланган.*

*Бу масалада Маданият ишлари вазирлиги ва соҳага тегишли бошқа масъуллар не дейишар экан?*

## ЭЪЗОЗ

*Умрнинг ҳар бир дақиқаси қадрли, албатта. Орамизда шундай одамлар борки, улар элу юртга эзгу сўз улашиб, тарих саҳифаларига ўзининг мавжудлигини муҳрлаб яшаётибди. Ана шундай инсон, ҳаётини журналистика соҳасига бахшида этган, юзлаб шогирдларнинг меҳрибон устози Фарида опа Усмонова шу кунларда юз ёшни қаршилади.*

# 100 ёшда ҳам КИТОБ МЕҲРИ



Бир гуруҳ устоз ижодкорлар билан Фарида опа Усмоновани қутлуғ ёши билан муборакбод этгани у кишининг хонадонига ташриф буюрдик. Аввалига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асаджон Ходжаев Администрация томонидан йўлланган табрикни ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг, фахрий журналист Ф.Усмоновага агентлик ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг эсдалик совғалари топширилди.

— Устоз журналистларимиз давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Х.Салимов. — Биз Президентимиз яратиб берган имкониятлар туфайли кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдамиз, жумладан, кекса, фахрий журналистларимиз ҳолидан хабар олиш, уларни турли байрам ва мана шундай юбилей саналари билан қутлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш шарафига муяссар бўлмоқдамиз.

Дарҳақиқат, “Қариси бор уйнинг париси бор”. Кексалар — уйимизнинг кўрки, қалбимизни мунаввар қилиб тургувчи чироқ, беминнат дуогўйимиз, панд-насиҳатлари билан умримизни ёритгувчи қуёш, тажриба-ю маслаҳатлари билан ёшларимизга тўғри йўл кўрсатувчилардир. Ана шундай устозларимиздан бири бўлган Ф. Усмонова узоқ йиллар матбуот соҳасида меҳнат қилган.

— Журналистнинг қалби ёниб туриши керак. Ёнмаган, ўзидан учқун чиқармаган қалб билан ёзиш қийин. Қаламингиз ўткир, юрагингиз ёниб турса халқнинг кўнглига етиб борадиган материаллар ярата оласиз, — дейди Фарида Усмонова.

Ўзлари айтиб ўтганидек, босма нашрларда қалами чархланиб, ижод, журналистика қозонида қайнаган, тобланган устоз журналист Фарида ая “Баҳор маликаси”, “Меҳри дарёлар”, “Яхшилик умри” рисолалари, “Дил фарёди” романи, “Онанома”, “Ҳижрон”, “Қиз келин” қиссалари ҳамда “Синов”, “Она бағри” драмаларини яратди.

Давлатимиз томонидан устоз ижодкорнинг ўзбек матбуотини ривожлантиришга қўшган хизматлари инобатга олиниб “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони ҳамда “Шуҳрат” медали билан тақдирланган.

Онахон шу муборак ёшда ҳам китоб мутолаа қилишдан, ёзишдан, юзга яқин набиралар, эвара-ю чевараларини ватанга муҳаббат, кексаларни эъзозлаш, ўз касбини севиш, ардоқлаш сифатларини ўргатишдан тўхтамайди. Улар биз билан суҳбатлари давомида “Қутлуғ уйдан қуруқ кетасизларми, сизларга ўзим ёзган китобларимдан олиб қўйганман, албатта ўқиб чиқинглар, ёшларга, навқирон авлод вакиллари — набираларимга етказинглар”, дея китобларидан улашдилар.

Биз устоз ижодкор, фахрий журналист Фарида Усмоновага сиҳат-саломатлик, сермаҳсул ижод илҳоми, фарзандлари, набира, чевара ва эваралари, шунингдек, шогирдлар камолидан завқланиб яшашнинг саодатли онлари узоқ бўлишини тилаб, хайрлашдик.

**Ислом АСИЛБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси мутахассиси.**

## ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

### ГИБРИД УРУШЛАР



*Рангли инқилоблар давлатни талон-торож қилишдан бошқа нарсага олиб келмайди. Ирина Паламар — Украина жамоат арбоби, “Халқ иттифоқи” жамоат ташкилоти раҳбари, инқилобдан кейинги Украинадаги вазиятга изоҳ берди.*

Ирина Паламар, “Халқ иттифоқи” жамоат ташкилоти раҳбари (Украина): “2014 йилдан кейин биз нимани қўлга киритдик? Польшага визасиз саёҳат қилиш учун кетган кўплаб одамларни бой бердик. Биз клиникаларни ёпдик, 9-, 10-синфлар бекор қилинди, иқтисодий пасайиш, даромадларнинг ва аҳоли сонининг пасайиши кучайди. Рангли инқилоблар —гибрид уруш олиб бориш усулидир. Украина каби заиф давлатлар бунга қарши тура олмайди. Ташқи инқилоблар ва ҳар хил улкан корпорациялар, олигархлар, мега-олигархлар томонидан инқилоблар уюштирилади ва манба бизнинг ҳудудимиз, талон-торож қилинадиган ҳам бизникилар бўлади. Мана нафақахўрлар, қария бепул озиқ-овқат олишни хоҳлаб навбатда туриб жон берди, музлаб қолди. Одамлардан фойдаланиш шунчаки мерос бўлиб ўтмоқда”.

### АҚШ ПОЛИЦИЯСИНИНГ ХАТО КЕТМАГАН ЎҚИ



*Американинг Аризона штати Феникс шаҳрида полициячи боласини ушлаб турган одамни отиб ўлдирди.*

Ҳодиса 9 январь куни содир бўлган, аммо маҳаллий полиция бўлими ушбу воқеа видеоёзувини фақатгина 25 январда эълон қилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг сўзларига кўра, ўша куни бир аёл қутқарув хизматига қўнғироқ қилиб, унинг эри, 37 ёшли Пол Болден, тўппонча билан қуролланган, боласини олиб, ўлдираман деб қўрқитиб, отишни бошлаганини айтган. Бундан ташқари, бошқа гувоҳлар ҳам қутқарув хизматига мурожаат қилишган, улар эркак ўтиб кетаётган машинани тўхтатиб, ҳайдовчини тўппонча билан қўрқитганини айтишди.

Воқеа жойига етиб келган полиция ходимлари эркакдан қуролни ташлаб, болани қўйиб юборишини талаб қилишди. Болден уларнинг талабларини бажаришдан бош тортди ва йўналиш бўйича камида битта ўқ отишга муваффақ бўлди, шундан кейин у яна тўппончани болага қаратди.

Шундан сўнг, полиция ходимларидан бири эркакни отиб ташлашга ва болани олишга қарор қилган. Ярадор касалхонага етказилган, шифокорлар унинг ўлганлигини эълон қилишган.

### СУВ ҚИММАТМИ ЁКИ ОЛМОС?



*Канада олмос ва титандан фойдаланган ҳолда сувни тозалашнинг янги усулини ишлаб чиқди.*

Олмос ва титандан фойдаланадиган янги технология сувни тозалаш технологиясида катта ютуқ бўлиши мумкин, деди профессор Патрик Дроги бошчилигидаги Квебек миллий илмий тадқиқотлар институти мутахассислари.

Улар олти соат ичида инсон организмига кераксиз бўлган микроскопик зарраларнинг саксон тўққиз фоизидан камини парчалашга муваффақ бўлишди.

Титан ва олмосдан фойдаланган ҳолда сувни тозалашнинг янги усули атроф-муҳитга етиб боргунча ҳам пластик зарраларни олиб ташлаши мумкин.

Титан диоксидининг сув саноати учун афзалликлари ушбу объектдан ташқарида бўлиши мумкин. Олимлар сувнинг ўзини тозалашда ечимлар топиш учун унинг фазилатларини тобора кўпроқ тасдиқлашмоқда. Ҳозирча мутахассислар олмос билан ишлаш жуда қиммат эканлигини ва шунга кўра етказиб берилаётган сув ҳам қимматлашишини таъкидлашди.

### ҚОЗОҚ ҚИЗИ АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ ПРОТОКОЛИ РАҲБАРИ



*20 январь куни АҚШнинг янги президенти Жо Байден Оқ уйга келиши билан Асал Робертс янги лавозимда иш бошлади.*

Қозоғистонда туғилган қизлик фамилияси Тўленова бўлган Асал Робертс АҚШ президентининг протоколи раҳбари вазифасини бажарувчиси этиб тайинланди.

Асал 1976 йилда Олмаотада туғилган. 1993 йилда Жоржтаун университетининг Эдмунд А. Уолш номидаги дипломатик хизматлар мактабига ўқишга кириб, халқаро ҳуқуқ ва ташкилотлар йўналиши бўйича бакалавр даражасини тугатган.

У Оқ уй протоколида Барак Обама давридан бери 15 йил давомида ишлаб келмоқда. Асал қозоқ, рус, инглиз ва япон тилларини билади.

### ЧЕГАРА ЧИЗИҒИ ҲИНДИСТОН ТАН ОЛГАН, ХИТОЙ ЭСА ЙЎҚ...



*Ҳиндистоннинг Сикким штатидаги Наку-Ла довони ҳудудида тўқнашув бўлиб ўтган. Хитой армияси гўёки Ҳиндистон билан демаркация чизиғини кесиб ўтишга уринган ва бу эса ҳинд ҳарбийлари ҳужумига сабаб бўлган. Натижада Ҳиндистон армиясининг тўрт нафар, Хитой томонидан 20 нафарга яқин ҳарбий хизматчи тан жароҳати олган.*

Пекин ва Нью-Деҳли ўртасида икки мамлакат ҳарбийлари аскарларнинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида ўқотар қуролдан фойдаланмаслик тўғрисида келишув мавжуд. 2020 йилнинг 16 июнь куни Ҳиндистон армиясининг ўнлаб аскарлари бу жойда таёқ ва тош тўқнашувида ҳалок бўлган эди. Расмий Нью-Деҳли бу ҳолат учун Хитой томонини айблаган. Ўшанда ҳинд ОАВ 43 нафар хитойлик аскар яралангани ва ҳалок бўлгани ҳақида хабарлар тарқатганди.

Дунёдаги энг кўп аҳолига эга бўлган икки мамлакат — Ҳиндистон ва Хитой чегарасини “McMahon Line” деб номланган шартли чизиқ ажратиб туради. Ҳиндистон бу чегарани тан олган, Хитой эса йўқ.

Муаммони ҳал қилиш учун бир неча бор уриниш бўлган. Хусусан, 1993 ва 1996 йилларда ўтказилган келишувлар самарасиз кечди. Шу боис, чегара ҳудудининг икки қисми — Кашмирнинг шимоли-шарқий ва Аруначал-Прадеш штатининг шимолий қисми ҳамон мунозарали ҳудуд бўлиб қолмоқда.

### ПУТИН ИСТЕЪФОГА ЧИҚҚАЧ НИМА БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИНИ АЙТДИ



*Россия президенти Владимир Путин талабалар билан онлайн учрашув пайтида катта сиёсатдан кетгач, нафақага чиқса, нима билан шуғулланишини айтди.*

Маълум бўлишича, Путин вино ишлаб чиқарувчи “Абрау-Дюрсо” (Краснодар ўлкасидаги рус компанияси)да маслаҳатчи бўлиш ёки ҳуқуқшунослик қилиш ниятида.

Айтишича, “Абрау-Дюрсо” компанияси президент маслаҳатчиси Борис Титовга тегишли. Владимир Путин давлат раҳбарлигидан кетса, Титовга маслаҳатчи бўлмоқчи. Аммо у бизнес билан эмас, балки ҳуқуқ масалаларида шуғулланиш ниятида.

Мулоқот якунида давлат раҳбари таъкидлашича, бизнес уни ҳеч қачон қизиқтирмаган — ёмон кўрмаган, шунчаки, қизиқмайди.

**Интернет хабарлари асосида Г.МАТЁҚУБОВА тайёрлади.**

***Кимгаки иш бўлди қаноат фани,***
***Билгилки, ани қилди қаноат ғани.***
Алишер НАВОИЙ



# БЕДОР ҚАЛБ

*Сурхондарё вилояти ҳокимининг Оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасининг 1-ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳибаси Мавлуда ҚОБУЛОВА фаолиятига бир назар.*

(Очерк)

У она юрти Сурхондарёни жони-дили билан севади. Бу юрт тупроғи кўзларига тўтиё. Сурхондарёликлардек жўмард, ҳалол, меҳнаткаш, очиққўнгил одамлар яна қаерда бор? Юрагида бодомлари мангу гуллаган, асрларга салом йўллаган воҳа бу. Уни оқ ювиб,оқ тараган муборак эл бу.

Опа. Она. Устоз. Сурхондарёликлар уни шундай деб атайдилар.

Мавлуда Умаржоновна иш кунларининг барчаси — қабул кунлари. Сабаби, у оилалар ва хотин-қизлар билан ишлайди. Унинг ҳар бир кунида бир-бирига ўхшамайдиган инсонлар, муаммолар, тақдирлар ўз муҳрини қолдиради.

Иш кабинетининг эшиги ҳамиша очиқ. Унинг телефонлари кечаю кундуз ўчирилмайди.

Иш кунларнинг бирида соат $22^{30}$ ларда бир қизча йиғлаб телефон қилиб қолди.

— Опа, менга ёрдам беринг, кўчада қолдим. Борадиган жойим йўқ. Исм ва фамилиям Зарина Ибрагимова. “Меҳрибонлик уйи”да катта бўлганман. Сиз бизга тез-тез борар эдингиз. Бирор муаммо бўлса, телефон қилинглар деб рақамингизни қолдирган эдингиз. Опа, вояга етгач, “Меҳрибонлик уйи”дан кетгач, ишга жойлашдим. Ижарада тураман. Ижарачи аёл билан уришиб қолдим. Ҳозир ҳайдаб чиқарди.

— Таксига ўтириб ҳокимиятга кел, қизим. Келиб, телефон қилсанг, такси пулини чиқариб бераман.

Бу орада Мавлуда Умаржоновна “Меҳрибонлик уйи”га борганида барча битирувчилар тайинланган пулларни олгач, ижарага ва ишга жойлаштирилганини эслади. Бир қатор ҳужжатлар жавонидан “Меҳрибонлик уйи” битирувчилари ҳақидаги ҳужжатни ҳам қараб чиқди. Зарина Ибрагимовани мустақил ҳаётга кузатиш қонун доирасида бўлган. “Қани, келсин-чи, нима гаплигини биламиз”, — деди ўзига ўзи.

Орадан бирор соат ўтиб ўн етти ёшлардаги қиз кириб келди. Қўлида ранги ўчиб кетган кичкина сумка. Сумкасида ҳужжатлари ва бир сидра кийими.

— Қизим, кун кеч бўлиб қолди, ҳозир қаерга ҳам борардинг? Сени ўз уйимга олиб кетаман. Қорнинг ҳам очдир. Бир пиёла чой устида гаплашиб оламиз. Сен кўчада қолмайсан. Ҳавотир олма, — деди Мавлуда Умаржоновна.

— Сизнинг уйингизда ноқулай бўлмасмикин? — деди қизгина опанинг хизмат машинасига тортинибгина ўтирар экан.

— Ҳеч ноқулай бўлмайди, — деди опа.

Уйга боргач, қиз вояга етиб, “Меҳрибонлик уйи”дан чиқиб, ишга жойлашгандан кейин ижарада яшай бошлаганини, ижарачи аёл дастлабки ойларда бинойи юрганию, аммо вақт ўтиб, тез-тез жанжал чиқариб, гоҳо Заринага қўл ҳам кўтарар экан. Мана, алалоқибат қизни қоронғи кечада уйидан ҳайдаб юборибди.

Шундай қилиб, Зарина “Меҳрибонлик уйи”да олган тўғри тарбияси билан мустақил яшай бошлабди. Отасига ҳам, онасига ҳам кераги йўқлигини тушуниб етибди.

Зарinanинг бошидан кечирганларини эшитган Мавлуда Умаржоновна:

— Майли, қайғурма, қизим, энди то оёққа туриб, бахтингни топиб кетгунингча бизникида турасан, етмишдан ошган аяжоним сенга ҳам эна бўлади. Биз нима есак, шуни ейсан, нима кийсак, шуни киясан, — деди.

Зарина учун Мавлуда Умаржоновнанинг уйида бахтли ҳаёт бошланди.

Зарина Ибрагимова:

*Мени, бир етим қизни, Мавлуда опамга учратган ўша кундан миннатдорман. Бу оила мени ўз фарзандидек қабул қилди. Мавлуда опамнинг онаси Мукаррам энам мени болам деб бағрига олди, пешонамни силади. Бу оилада одам боласидек меҳр кўрдим. Улар менга етти йил нон-туз бердилар. Тенгим чиққач, ҳурматимни жойига қўйиб, ўз қизларидек турмушга узатдилар. Ўғлим туғилганида онам каби ортимдан бешик ясатиб бордилар. Ҳозир Муҳаммадризо ўғилчам уларни ҳақиқий бувим деб ўйлайди. Мен ҳам бу кичкина ҳаётимни икки қисмга бўлсам, бир томони то Мавлуда опамгача бўлган кўнгли яримлик даври, иккинчиси эса Мавлуда опа учраган бахтли даврим.*

*2018 йили муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари, беқиёс ғамхўрликлари туфайли ҳамма қулайликларга эга уйлардан 3 хонали уйга эга бўлдим. Ҳозир оилам билан шу ерда яшаяпмиз. Термиз тумани марказий шифохонасида ишлаяпман. Менга Мавлуда опам уй-рўзғорни қандай тутишни, тикиш-бичишни, озодаликни, бола парваришини ўргатганлар.*

*Вилоят ҳокимлиги тикув машинаси совға қилди. Энди менинг камчилигим бор дейишим уят бўлади. Ота-онаси бор қизлар ҳам шунчалик таъминланар. Ширин, эркатой ўғлимга қараб кўнглим кўтарилади. Қачонлардир мени ота-онам ташлаб кетгандир, аммо мен Ўзбекистон деб аталган ватанда қадр топдим, меҳр кўрдим. Ҳа, мени отам ташлаб кетган. Аммо ватаним ташлаб қўймади. Президентимиз бошимни силади, уй-жойли қилди.*

*Энди менинг ўғлим, ўғлимнинг болалари шу ватанга садоқатли инсонлар бўлади. Бунинг учун бор куч-ғайратимни аямайман.*

*Ҳа, онам мендан воз кечган, аммо ватаним воз кечмади. Энди мен ҳам она бўлдим. Оналик — қанчалар улкан шараф!*

*Ҳозирда мен билан суҳбатлашган одамлар ота-она меҳрига зор бўлиб ўсган деб ўйламайдилар. Чунки мен меҳрдан тўйинган инсонман. Мен меҳр кўрдим. Меҳр кўрган одам албатта, меҳр беради.*

*Куни кеча ахлат қутиси ёнига ташлаб кетилган мурғак болани телевизордан кўрсатишди. Гўдак сал бўлмаса совуқдан ўлиб қолар экан. Уни яхши одамлар топиб олибдилар. Мен ўша гўдакни ташлаб кетган онадан нафратландим.*

*Қачонлардир мени ҳам онам шундай тошбағирлик билан ташлаб кетган бўлса-да, катта бўлганимдан кейин ҳам мени ўзидан итарган бўлса-да, бундай жоҳилликни мен такрорламайман. Бундай омонатга хиёнат менинг қўлимдан келмайди. Мавлуда опанинг айтишларича, ҳар бир одам боласи Аллоҳнинг омонати экан. Мен яхши тарбия кўрдим. Бугун ҳалолни ҳаромдан фарқ қила оламан. Аёл зоти ибо-ҳаёси билан ҳурматга лойиқлигини биламан.*

*Президентимизни дуо қиламан. Яхши она, яхши инсон бўлишга ҳаракат қиламан.*

***

Сурхондарё вилояти бўйича оғир турмуш шароитида яшаётган, ногиронлиги бор хотин-қизларнинг манзилли рўйхати шакллантирилган. Вилоятда хизмат қилаётган ватанпарвар, юрт тараққиёти ва эл манфаатлари йўлида фидокорлик кўрсатаётган жамият ҳаётида фаол инсонлардан ташкил топган ишчи гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Улар ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам уйма-уй юриб, оилаларга кириб, элдошлар билан дилдан гаплашмоқдалар. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, муаммоларини ҳал қилишда яқиндан ёрдам бермоқдалар. Бу Сурхон аҳли учун янгича ёндашув бўлди.

Термиз шаҳар “Гулистон” маҳалласи “Фидокор” кўчасида ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, якка-ёлғизлар учун уй-жой қуриб битказилди. Уй эгаларига калитлар топширилаётган кун. Бино ҳовлиси тўйхонадек безатилган, карнай-сурнай, доираю ноғоралар садоси эрталабдан осмону фалакка ўрлади. Ҳамма хурсанд. Уй ёнидан ишга, ўқишга, бирор юмушга ўтиб кетаётганлардан бири: “Ниҳоят, шугиналарнинг ҳам елкасига офтоб тегди. Президентимизга минг раҳмат”, — деса, бошқаси: “Ҳа, шундай давлатда яшаётганимизга шукр. Бизда ҳеч ким беэътибор қолаётгани йўқ”, — дейди. Кўрган кўзки қувонади.

Калитларни топшириш маросимида ҳар ким ўз миннатдорчилигини изҳор этади. Уларнинг уйларини кўргани келган маҳалладошлар, қариндош-уруғларнинг оғзи ланг очилиб қолди. Ҳашаматли қилиб безатилган хоналарнинг ёруғлигидан, шинамлигидан дил яйрайди. Тантаналар ўтгандан кейин ҳам ҳукумат вакили сифатида одамларнинг энг яқин сирдоши, кўмакчисига айланган Мавлуда Умаржоновнанинг бир оёғи шу ерда.

Бу сафар мени бошлаб келдилар-да: “Сизларга меҳмон қилиб Тошкентдан шоирани олиб келдим. Бир мушоира қиламиз”, — дедилар. “Биз уларни таниймиз, телевизордан кўрганмиз”, — дея қувонади хонадон эгалари.

Янги уйларга бирин-кетин кириб суҳбатлашамиз. “Фидокор” кўчасидаги 12-уй, 14-хонадондаги уч хонали уйда 1-гуруҳ ногирони Каромат Раҳимова, синглиси Гавҳар Раҳимова ва 84 ёшли онаси Марям Муаззамова. Каромат туғма икки оёғи йўқ туғилган экан. Опаси ҳам ногирон. 84 ёшли она ҳам ногиронлик аравачасида, мустақил юра олмайди. Хуллас, учта ногирон бир уйда. Каромат эсли-ҳушлигина. Марям онанинг ҳам фикрлари тиниқ. Гавҳарнинг ҳам ақли жойида. Бу ерда ўзи мустақил ҳаракатланадиган биргина шу Гавҳар. 84 ёшли Марям момо гапларини тинглаймиз:

*— Бир умр қайнотамдан қолган кичкина уйда яшадик. Турмуш ўртоғим Абдивосихон билан ўн қиз, ўн ўғилнинг ота-онаси бўлдик. Шулардан биттаси оламдан ўтган. Тўққизтаси ҳаёт. Ўғилларимни уйлантирдик. Кетма-кет набиралар туғила бошлади. Биздан ташқари у ҳовлида қайин укам ва қайин акам ҳам оиласи билан, жами 20 дан ошиқ одам истиқомат қилар эдик. Ногиронларнинг оҳ-воҳи, етишмовчиликлар, муаммолар гирдобида ўлиб кетсам керак, деб ўйловдим. Бахтимизга, Президентимиз биз бечораларга ғамхўрлик кўрсатиб уйли-жойли қилдилар. Аввалги ҳовлимизда тўловларни амалга оширолмаганимиз учун гоҳ чироқ, гоҳ сув, гоҳ газ ўчар эди. Мен ва Каромат қизим ҳожатхонага бора олмаймиз. Бизни кимдир кўтариб юриши керак. Ҳаммом эса отлиққа ҳам йўқ. Уйнинг бир бурчида сув иситиб ювинишга тўғри келар эди. Кўпчилик бўлгандан кейин ҳузур-ҳаловат йўқ. На еганимиз татийди, на ичганимиз. Қишда уйимиз томидан чакки ўтади. Ёзда Термизнинг иссиғидан юрак тўхтаб қолай дейди. Кечалари қон босимидан ухлай олмай чиқар эдик. Ҳар бир маҳаллада уйма-уй кириб чиқаётган ҳукумат вакиллари билан Мавлуда қизим келиб, аҳволимизни кўргач: “Биринчилардан бўлиб сизларга уч хонали уй ажратамиз”, — дедилар. Ўша кундан оиламизни босиб турган катта тоғ елкамиздан нари сурилди. Мана, ҳозир ҳаётдан шикоятим йўқ. Ўз вақтида овқатланамиз. Ўз вақтида ётиб ухлаймиз, дориларимизни ичамиз, телевизорда юртимизда бўлаётган янгиликларни кўрамиз, сизни ҳам телевизорда кўрганмиз. Раҳмат келганингиз учун, дуолар қиламиз.*

<u>Каромат Раҳимова, 1-гуруҳ ногирони:</u>

*— Ота-онам, бечора опам менга бир умр парвона бўлди. Отам 1995 йилда вафот этдилар. Бу пайтда онамнинг ҳам оёқлари яхши юрмас эди. Ҳозирда мутлақо юра олмайди. Бизга уй берилгандан кейин чиннидан ясалган ваннада чўмилтиришди. Ҳаётимизда биринчи марта онам 84 ёшида, мен 42 ёшимда, опам 48 ёшида ҳақиқий ҳаммом нималигини кўрдик. Биз ювиниб чиқиб, севинчимиздан роса йиғладик. Жўмракни чапга бурасанг иссиқ сув, ўнгга бурасанг совуқ сув келади. Биз учун энг катта муаммо* (уят бўлса ҳам айтаман) *ҳожатхона муаммоси эди. Ҳовлининг бир бурчагидаги ҳожатхонага бориш биз – ногиронлар учун оғир машаққат эди. У ерга бораётиб ёмғир, қорда соппа-соғ одам йиқилиб тушар эди. Қиш-ли-қировли кунда бизни ким кўтариб боради? Хуллас, одам эканимиз ёддан чиққан эди. Атрофдаги соғлом одамларнинг, ҳатто жигарларингнинг сендан жирканаётганини сезиш нақадар оғир. Айниқса, ақлинг жойида бўлса, қаттиқ ўксинар экансан. Гоҳо онамга: “Она, нега бизни туғдингиз? Ахир сиз ҳам, биз ҳам қийналиб кетдик-ку”, — десак, онам: “Шошма, ношукр бўлма, Яратган Эгамнинг бир ёруғ куни бўлади”, — дердилар. Мана, келди шундай ёруғ кун. Энди ҳар икки кунда опам бизни чўмилтиради. Ҳар сафар тоза бўлиб дуолар қиламиз.*

*— Камчиликлар йўқми? — сўрайди Мавлуда Умаржоновна.*

*— Кийимларимиз тугунда турибди, битта кийим шкаф олиб беринг, — деди Каромат.*

*— Шу ҳафта кийим шкафни етказамиз, — деди опа.*

Биз улар билан хайрлашамиз. Уларнинг тўғрисидаги хонадонга кирамиз. Хонадон чинни-чироқдек тоза, озода.

Хонадон соҳибаси Ойсара Абдуллаева икки боласи билан бизни кутиб олди. Ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин Ойсара бошидан кечирганларини сўзлайди:

*— Турмуш ўртоғим Ўроқ Хўжамбердиев 1-гуруҳ ногирони эди. Яқинда оламдан ўтди. Бизга мана шу уйнинг берилганини кўриб, хотиржам бўлиб чин дунёга кетди. Қизим Шарифа 9-синф ўқувчиси, ўғлим Саид 8-синф ўқувчиси. Фарзандларим мактабда аъло баҳоларга ўқийди. Ўғлим Саид спортнинг қўл жанги тури бўйича Ўзбекистон чемпиони. Мавлуда Умаржоновнанинг таклифи билан “Пахтасаноат” АЖ энг сўнгги моделдаги тикув машинкаси совға қилди. Ҳозирда “Сурхондон” АЖда касаначи, яъни уйимда ўтириб тикувчилик қиламан. Ўзлари матоларни олиб келиб бериб, тайёр маҳсулотни ўзлари қайтариб олиб кетишади. Энг муҳими, болаларимнинг бошпанаси бор. Маҳалламиз аҳил-иноқ. Минг шукр, камчилигимиз йўқ. Бу ерда ҳамма бир-бирини танийди, авайлайди. Келганларингиз учун раҳмат.*

Кейинги манзилимиз шу 12-уйдаги 1-гуруҳ ногирони Қосимов Муроджоннинг хонадони бўлди. Уч хонали уй билан таъминланган Муроджон бизни кулиб кутиб олди. Агарда аравачасида ўтирмаса, уни ҳеч ким ногирон деб ўйламайди. Биздан олдин унинг хонадонига патронаж ҳамшираси Мақсуда Алламуродова келиб, қон босимини ўлчаётган экан. Ҳамшира Муроджон билан савол-жавоб қилиб бўлган экан, биз билан саломлашгач, чиқиб кетди. Муроджоннинг эгизак болалари бизнинг ташрифимиздан хурсанд бўлиб ёнимизга келиб ўтиришди. Аёли Самияой бир юмуш билан қариндошиникига кетган экан.

<u>Муроджон ўз аҳволини қуйидагича баён этди:</u>

*— Президентимиз бизга тушимизга кирмаган яхшиликни қилдилар. Биз аёлим билан турмуш қурганимиздан кейин шароитимиз янада оғирлашди. Тўғри, аёлим мени оқ ювиб, оқ тарайди, ўз вақтида дориларимни ичиради. Аммо уй-жой муаммоси бизни эзиб турар эди. Орадан икки йил ўтиб Фотима-Ҳусан эгизакларимиз туғилди. Аёлим касал бўлиб, на менга, на чақалоқларга қарай олмай қолди. Унинг ўзи ёрдамга муҳтож эди. Биз адолатли мамлакатда яшаётганимизни ўша оғир кунларда ҳис этдим. Врачларнинг кўрсатмаси билан чақалоқларни “Гўдаклар уйи”га вақтинчалик топширдик. Аёлим икки йиллар қаттиқ даволанди. Энди у менга қарай бошлади. Биз чақалоқларга қарай олмаслигимизни ҳисобга олиб, уларни “Гўдаклар уйи”дан кейин “Меҳрибонлик уйи”га 7 ёшгача қолдирдик. Улар болаларимизга ўзимиздан ҳам аъло қилиб қараб, тарбиялаб беришди. Қани, қайси юртда шунчалик мукаммал тизим ишлайди? Қайси юртда ногиронларнинг гўдакларига шунча меҳр кўрсатилади? Биз дастлаб ишонмадик “Гўдаклар уйи”да шундай етук мутахассислар борлигига. Ногиронлик туфайли бизни ўзимиз бунчалик яхши қарай олмас эдик.*

*Шундай ватанга болаларимизни муносиб қилиб тарбиялаш энди ўзимизга боғлиқ. Бирорта муаммо бўлса, ўша куни мурожаат қиламиз, масала жойида ҳал бўлади. Илтимосимиз ерда қолмайди. Биз ҳамма қатори бахтли оиламиз. Минг раҳмат!*

* * *

Соғлом авлодни дунёга келтириш ва уни улуғ аждодларга муносиб қилиб тарбиялашдек шарафли вазифа елкамизда тургани олий масъулиятдир.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини ошириш борасидаги муҳим ҳужжатлар биз сурхондарёлик хотин-қизлар учун ҳам улкан рағбат бўлди.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллигига бағишланган маърузасида таъкидлаганидек: “Халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароит яратиш Конституциямизнинг бош мақсадидир”.

Кейинги йилларда Сурхондарёда амалга оширилган эзгу ишлар: халқнинг фаровон яшаши учун яратилаётган шароитлар; ногирон ва кам таъминланган оилаларнинг уй-жой билан таъминланиши; “Обод қишлоқ” дастури бўйича қисқа вақт ичида эртаклардагидек сирли ва мўъжизавий қиёфа касб этаётган қишлоқларимизда яшаётган юртдошларимизнинг бошига бахт қуши қўнганини кўрсатиб турибди.

“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури бўйича амалга оширилаётган ишларни кўриб шахсан ўзим ҳам халқимиз қўллаб-қувватланса, нақадар қудратли кучга айланишига ҳар кун гувоҳ бўлмоқдаман.

Сурхондарёликлар бугунги кунда томорқа хўжалигининг ҳадисини олдилар. Аҳолининг 70 фоизи томорқадан юқори ҳосил олмоқда. Бу оила бекалари бўлган хотин-қизларимизга янги руҳ бағишламоқда. Яратилаётган янги иш ўринлари оилаларимиз мустаҳкамлигига пойдевор бўлмоқда.

Ҳамиша илм ва маърифат саодат калити бўлган.

2018 йилда вилоятимизда республикамиздаги нуфузли университет ва институтларнинг филиаллари очилиши тарихий воқеа бўлди. Бу илм даргоҳлари Сурхондарё хотин-қизлари, айниқса, олий маълумот олиш орзусида юрган қизларимизга қанот бўлди.

Бу йил олий ўқув юртига кирган қизларимиз сони илгариги йилларга қараганда икки баробар ошди. Шеробод, Термиз, Жарқўрғон, Денов, Қизириқда янги қурилган корхоналарда ишлаётган ёшларнинг ҳам 50 фоизи хотин-қизлардир.

Мавлуда Умаржоновна вилоят ҳокимининг Оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, вилоят Маҳалла ва оилаларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг 1-ўринбосари сифатида аҳолининг ичига кириб, вилоятнинг нафақат марказий ҳудудларида, балки энг чекка қишлоқларида ҳам хонадонларга вилоят ҳокимлиги ишчи гуруҳи билан кириб борди.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳозирги кунда кабинет ичида ўтириб ишлайман деган раҳбар қаттиқ адашади. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида ўзини оқламоқда.

Опа бедор тунларидан бирини қуйидагича эслайди:

“Кеч ишдан қайтдим. Яна бир бор виртуал қабулхонамизни текшириб кўрай дедим. Ярим соатлар олдин чекка туманларимиздан бирида яшайдиган ногирон аёллардан бири хат жўнатган экан. “Тўрт йилдан бери 2 та болам билан ижарама-ижара юраман. Ижара пули кечиккани учун кўчада қолдик. Ҳозир маҳалладаги қоровулхонада яшаяпмиз”. Бу электрон мактубни ўқиганимдан сўнг уйда ўтира олмадим. Эрта тонгдан йўлга тушдим. Ўша аёлни топиб, муаммоларини ҳал қилгач, ишга келдим...

Фаолиятим давомида ўз ҳуқуқларини билмагани учун ўзини ва болаларини мушкул вазиятга солиб қўйган хотин-қизларни кўп учратаман, — дейди Мавлуда Қобулова. Ўз ҳуқуқини билмаслик ва бахтли келажак учун кураша олмасликни оқлай олмайман. Жойларда низоли вазиятлар, шу жумладан, оилавий зўрлик ишлатиш сабабларини ҳамда уни келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш мақсадида “Ижтимоий мослашув” марказлари ташкил этилаётгани қувонарлидир. Бир оиланинг руҳий ҳолатини мувозанатга солиш — жуда қийин кечадиган жараён. Олий маълумотли бўла туриб ҳам фарзандлари ҳаётини изга сола билмаган қайноналарни кўрганимда ҳайф дегим келади. Вилоятимизда “Қайноналар кенгаши” фаолият олиб боради. Кенгашга раҳбар қилиб улуғ ёшли, маҳаллаларда обрўга эга бўлган, аллақачон маҳалланинг виждонига айланган онахонларни тайинлаганмиз.

* * *

Лекин минг афсуски, бу дунёда яхшиликни, самимийликни кўролмайдиган, паст, ҳасадгўй, ичи қора кимсалар ҳам йўқ эмас. Баъзида Мавлуда Умаржоновнага ҳам улар тош отадилар, турли бўҳтону фисқу фасод уюштирадилар. Бу опага таъсир қилмайди, бу қалби бедор аёлни хафа қилмайди, десак ёлғон бўлади. Дили оғрийди, жуда қаттиқ хафа бўлади, юраги ҳар хил туҳматлардан зада бўлади, шубҳасиз. Лекин опа барибир бундай каслар билан тенг бўлишни ўзига эп кўрмайди. Уларни Яратганнинг ҳукмига ташлайди ва масъулиятли вазифасини бажаришда давом этаверади.

* * *

Шерободлик Роҳатой исмли қиз: — Мавлуда Умаржоновна менинг онам, мен у кишига муносиб бўлишим керак, — дейди.

*Термиз давлат университетининг “Жисмоний тарбия ва маданият” факультетига контракт асосида ўқишга қабул қилинган етим қизнинг боши қотиб қолди. Чунки унга пул масаласида ёрдам берадиган инсоннинг ўзи йўқ. Шундай пайт унга одамлар: “Вилоят ҳокими ўринбосари Мавлуда Умаржоновнага учрашиб, ёрдам сўра, фақат шу инсон сенга ёрдам бериши мумкин”, — деб маслаҳат беришди.*

Қиз вилоят ҳокимлигига келди. У Мавлуда Умаржоновнага муаммосини сўзлаб берди. Шунда Мавлуда Умаржоновна қизнинг кўзларидан ёшини артиб, бағрига босди. Қизнинг ғамгин кўзларига боқиб: “Бугундан бошлаб сен менинг қизимсан, то ўқишингни битиргунингча тўловларини тўлашни мен вилоят ҳокимининг ёрдами билан ҳал қилиб бераман. Фақат менинг ҳам шартларим бор: энг аввало, покиза ахлоқли бўлишинг керак. Аъло баҳоларга ўқишинг, ўзинг севган спорт туринг — кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони шарафини қўлга киритишинг шарт. Мусобақаларга бориш-келишинг, кийим-кечагинг, спорт либосларинг, озиқ-овқатларинг тўловларини вилоят ҳокимлиги ҳал қилиб беради”, — деди. Бу меҳрдан Роҳатойнинг боши гангиб қолди. Туш кўрмаяпманми деб ўз қўлларини қаттиқ тишлаб кўрди. Йўқ, туш эмас экан. Ҳақиқат бор экан. Роҳатой ўқишга ва машғулотларга қаттиқ киришди. У келажагидан хотиржам, бахтли талабага айланди.

*“Тўғри, талаба учун пул зарур. Шундай пайтлар бўлардики, онажонимдан устма-уст пул сўрар эдим. Аммо уларнинг бирор марта оғринганини сезмадим. Гоҳида айрим дугоналаримнинг ота-онаси: “Пул сўрашни қачон йиғиштирасан?” — деганларини эшитдим. Онажоним сабр ва чидам билан мени тўрт йил ўқитди. Ўзимнинг туққан онамдан зиёда меҳр кўрсатди менга”, — дейди у.*

Роҳатой ҳам Мавлуда онасига берган ваъдасининг устида турди. Университетнинг намунали қизларидан бўлиб, учинчи курслигида кураш бўйича Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди. *“Мавлуда онажоним бўлмаганида, тақдир мендек кўнгли яримни унга рўбарў қилмаганида, ҳаётим қандай кечар эди, билмайман. Ўқишни тугатиб, Миллий гвардия сафига ишга кирдим. Маошим ҳозир 7 миллион сўмдан зиёд. Ҳукумат уй берди. Бугунги кунда мен худди Мавлуда онамдек одамларга яхшилик қилишга бел боғлаганман”.*

* * *

Термиз давлат университетининг яна бир талабаси Расулжон болалигидан ота-онадан етим қолган. У ҳозирда тўртинчи курс талабаси. Расулжон ҳарбий хизматга боришни орзу қилар эди. Аммо тўлов шартномасига пули йўқ. Шундай муаммо билан турганида Мавлуда Умаржоновна университетга келиб, ёшлар билан учрашув ўтказди. Учрашув тугагач, Расулжон минг бир истиҳола билан ўз муаммосини айтди. Мавлуда Умаржоновна Расулжоннинг мушкулини уч кун ичида ҳал қилди. Расулжон ҳарбий хизматга бориб келди. Расулжон хизмат қилаётган ҳарбий қисмга Мавлуда Умаржоновна борганида ҳамма Расулжонга ҳаваси келиб: “Бир-бирларингга ўхшар экансизлар”, — деган эди. Ҳаёт мана шундай сабаблар билан инсонларнинг кўнглини кўтарар экан. Ҳарбий хизматни тугатиб, ўқишига қайтди. Энг муҳими, энди у университетда қайси талабанинг оғирини енгил қилиш керак бўлса, Мавлуда онажонисига мурожаат қиладиган бўлди.

Мавлуда Умаржоновнанинг меҳридан баҳраманд бўлган Расулжон: “Она, бу яхшиликларингизни қандай қайтараман?” — деб сўрайди. “Ҳадемай ўқишни битириб, яхши ишларда ишлайсан, унда мен кексариб, уйда ўтираман, шунда: “Ўғлим, олма егим келди”, — дейман, сен эса дарҳол болангдан менга олма бериб юборасан”. “Оҳ, онажоним-а, она егиси келган олмани ҳам боладан бериб юборадими? Сиз учун олмаларни ўзим олиб келаман, меҳримни қўшиб олиб келаман”, — дейди Расулжон. “Тўйларингга бош бўлайин, сенга иболи-ҳаёли, инсофли, имонли келин сўрайман Яратган Эгамдан”, — дейди Мавлуда онаси.

**Орзиқул СОАТОВ,**
**Сурхондарё вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб- қувватлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Сенатор:**

*— Гўзал, дилбар, мафтункор, ўта камтар, ўз ишининг фидойиси Мавлуда Умаржоновнанинг асли касби шифокорлик. У киши бугун вилоятимиз аёлларининг қалб шифокори бўлиб, улар муаммоларининг ечимида асосий ҳакам бўлиб қолган.*

*У жуда кўп ўқийди. Қачон қабулига борсам столи устида Юртбошимизнинг асарлари, жаҳон адабиёти намояндаларининг, мутафаккир шоир ва ёзувчиларнинг китоблари, ҳозирги кунда чоп этилаётган газета ва журналлар тахланиб туради.*

**Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазири:**

*— Мавлуда Умаржоновна менинг устозим бўлади.*

*2006 йилдан бошқарув соҳасига ишга келган бўлсам, раҳбарликнинг паст-баландини, ҳаттоки Низом-ул-мулкнинг “Сиёсатнома”си, Самандар Термизийнинг “Дастур-ул-мулук” асарларини ўқишни тавсия қилганлар. Мана қарийб 15 йил бўлдики жуда масъул вазифада у киши бизга ойна вазифасини ўтади. Қайси соҳада ишласак ҳам биз ишдан қайта туриб қарасак у кишининг иш кабинетларининг чироғи ёниқ туради. Энг муҳими фидойилик.*

*Мавлуда Умаржоновна ҳар қандай топшириқни охиригача қонун доирасида мукаммал бажарадиган, масъулиятни ҳис этадиган инсон. Мана ҳозир давлат органлари билан халқ ўртасида қандай яқин муносабат ўрнатилди. Мавлуда Умаржоновна азалдан халқ билан шундай яқин ва фидойи. Эркакларнинг раҳбар лавозимларида ишлаши бироз осондек. Уйга борса аёли кутиб олади, ҳаммаёқ саранжом-саришта, хизматини қилади. Аёл учун ундай эмас. Мавлуда Умаржоновнанинг ҳам боласи, набиралари, жуда нуроний онаси бор. Уларнинг ўқишига, кийим-кечагига, юриш-туриши ва маънавий тарбиясига қарайдилар ва улгурадилар. У киши бизга оилапарварликда ҳам устоз деса бўлади. Шунинг учун ҳам устоз, ҳам она. Олимларни жуда ҳурмат қиладилар. Ўзлари ҳам олима. Бошқа вилоятларда шу лавозимда ишлайдиган опалардан олимлиги билан ажралиб туришидан биз фахрланамиз. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари томонидан муносиб тақдирланди. Биз бундан қанчалик хурсанд бўлдик. Мавлуда Умаржоновнанинг тажрибасидан фойдаланишимиз керак. Улар ҳаётнинг кўп пасту баландликларини бошдан кечирган. Бу тажриба фақатгина хотин-қизлар учун эмас. Жамоатчилик майдонида, сиёсат майдонида бироз-гина ҳиссамиз бўлган бўлса унда у кишининг маслаҳатлари, ўгитлари натижасида эришганмиз. Қачон қараманг Мавлуда Умаржоновнани она сифатида, раҳбар сифатида эл муаммоларини ҳал қилаётган, халқ ташвишлари билан елиб-югураётган, жуда-жуда банд ҳолатда кўраман. Шунинг учун ҳурматим баланд.*

* **

*Кўзлари кўнглидек чиройли дўстим,*
*Кўнгли кўзларидек чиройли дўстим.*
*Олдинда ҳали кўп яхши кунлар бор,*
*У кунларга бирга борайлик дўстим.*

**Зулфия МЎМИНОВА,**
**шоира,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

## БИР АСАР ТААССУРОТИ

*Ҳамиша миллий адабиётимиз вакиллари, айниқса, насримиз намояндаларидан катта умид қилиб келаман. Ёшми, ўрта авлодми, муаллимга айланган устоз адибларми – барчасини ўқишга ҳаракат қиламан, некбин бир нигоҳ билан ижодини кузатаман. Ижоди жаҳонни забт этган Маркесу Хемингуэй, Жойсу Вулф, Кортасар ёки Моем каби адибларни инкор этмаган ҳолимда ўзбек ёзувчиларини улардан кам кўргим келмайди. Чунки, ёзмоқ заҳматини озгина билганим учун ҳам яқингинада ўтган Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Шуҳрат, Пиримқул Қодиров, Шукур Холмирзаев каби салафларимизнинг асарларини жиддият билан ўқиб, уларнинг ҳам ўзбек бўлиб, (Бу жуда мушкул иш. Ҳисоб-китоб қилинса, бир ярим штатлик иш ўзбеклик дегани.Ш.С.) ҳам шундай ижодий меросни бизга қолдириб кетганларига тасанно дейман.*

# ЎЗБЕК ШУНДАЙ ДЕЙДИ...

Айрим давраларда менга турк адиби Ришод Нури Гунтекин, грузиялик Нодар Думбадзе, абхаз Фозил Искандар ёки оврупалик қалам соҳибларини мақтайвериб, уларнинг асарларидан топган ҳикматини қулоғимга қуявериб силламни қуритишади. Аввалига жим тинглайман, "Ҳа, маҳоратли, катта истеъдодли ёзувчилар" деб гап бериб тураман. Аста-секин ўзимиз ҳақимизда гап бошланганида ҳамсуҳбатимнинг энсаси қотганини кўраман, писандасини эшитаман, охири бўлмайди – ёриламан: "Улуғбек хазинаси"ни ўқиганмисиз? "Вафодор" деган, кўр киши игнада ёзган романни-чи? Ойбекни биларсиз — "Навоий" романи бор. Асқад Мухторнинг "Қорақалпоқнома" асарини ёки Шукур Холмирзаевнинг "Ўн саккизга кирмаган ким бор?" асари... Ва ҳоказо...

Қаршимда бурнини жийириб ўлтирган "хос китобхон" биродарим мен айтган китобларни ўқимаган, ўқиса-да "иккинчи сорт" деб билувчи, уларнинг муаллифларини эса жайдариликда айбловчи бир жонзотки, унга гап уқтириб бўлмайди. Умрида бир тун қон ютиб қоғоз билан юзма-юз бўлиш азобидан бебаҳра бу каби ҳақпарастлар билан сира-сира сувим тинимайди. У кишига Навоийни гапирсанг, "Қачонгача ўтганлар билан мақтанамиз" деб оғзингга уради, Шукур акани гапирсанг, "чапани" дейди, Аҳмад Аъзамни ўқимаган бўлади — танимайди, Назар Эшонқул десанг, "ғарбнинг тақлидчиси" дейди, Ўткир Ҳошимов, Тоғай Мурод, Эркин Аъзам каби усталарни ўйлаб ўтирмай "маҳаллийчи", "юки енгил" каби айблар билан камситаверади. Ўз адабиётини қадрлаб, қиёслаб, борича эъзозлаёлмаган бундай билағонлар, уйига меҳмон келганида кекса, камбағал отасини кўздан панароқ хонага бекитиб қўювчи гумроҳга ўхшайди.

Ҳазрат Қодирийдан бошлаб романга ҳам ўтган, мустабид даврнинг ҳар 30-40 йилида "каллакланиб" турган, ўтган юзйилликда не-не асарларни дунёга берган ёзувчиларимизни аввал ўқиб, бизникилар нега бундай ўйлашлари ва ёзишлари сирини тушуниб, ўзига хос йўриққа тушганимизнинг сабаби — яхшими-ёмонми ўз феъл-атворига эга миллат бўлиб шаклланганимиз экани, бу бемисл ютуқлигини (миллат бўлиб шаклланолмаган элатлар жуда кўп дунёда.) англашимиз керак. Бир оддий ҳақиқатни биламан: ўзидан ғурурланолмаган ва ўзига танқидий кўз билан қарай олмаган, бир сўз билан айтганда, ўз қадрини билмаган халқнинг ҳолига вой, охири — таназзул.

Ва тағин бир ўқирман сифатида биламан, бизда жаҳонга олиб чиқса бўлгудай, жаҳонни ўзига қаратгудай асарлар талайгина.

БУ ҲИКОЯНИ МУАЛЛИФ КЕРАГАНИ ЁЙГАНДЕК ЁЙСА – АДАБИЁТИМИЗ ЗЎР БИР РОМАНГА БОЙИР ЭДИ. АСАРДАГИ ОҚ ПОШШО ЗАМОНИДАН МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИГАЧА БЎЛГАН ФУРСАТДА ЎЗИГА ТЎҚ, ЗИЁЛИ БИР ОИЛА ВАКИЛЛАРИНИНГ НЕ-НЕ АЗОБЛАРНИ БОШДАН КЕЧИРГАНИ, БИР УЙДА ЎТИРГАН КЕКСА ОНАНИНГ ТИЛИДАН ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ. РОВИЙНИНГ ЎЗ ЖИГАРЛАРИ – ОТА-ОНАСИ, ОПА-СИНГИЛЛАРИ, ЁЛҒИЗ АКАСИДАН АЖРАЛИШЛАРИ, ТАҒИН ҚОНИДАГИ ЎЗБЕККА ХОС ЯШОВЧАНЛИК, ХУДОДАН УМИДВОРЛИКДАН КУЧ ОЛИБ, ЕРГА АЖРИҚДАЙ ЁПИШИБ, ҲАЁТ БИЛАН ТАЛАШИБ-ТОРТИШИБ, ҲИКОЯДА АЙТИЛГАНИДЕК, АВЛОДЛАРНИ "ОҒЗИДА ТИШЛАБ, ОРҚАСИГА ОПИЧЛАБ" ЙИЛЛАР ТУЗОҒИДАН ОМОН ЎТИШИ ВА... ДОРИЛОМОН КУНЛАРГА ЕТИБ КЕЛИШИ ЖУДА КАТТА ЖАСОРАТ.




Бу гап-сўзлар, мулоҳазалар таниқли ёзувчи Хайриддин Султоновнинг "Одамлардан тинглаб ҳикоя" номли китобини ўқиш асносида туғилди, ўзбекни, миллий адибларимизни яна бир бор яхши кўриб кетдим.

Ўзбек бўлиш қийин, ўзбек бўлиб қолиш бир-бир ярим штатлик иш! Қон-қонига меҳмондўстлик, ўзи оч бўлсаям меҳмонини, ўзи оғриб турсаям боласини, ўзи муҳтож бўлсаям беморнинг кўнглини ўйлайдиган, адо қилган ишини ғурур билан айтиш ўрнига "вазифам эди, бажардим-да" деб елка қисиб турадиган, айни дамда қитмирлиги ҳам, эгилувчанлиги ҳам, энг муҳими тантилиги, қўли очиқлиги ҳеч бир халққа ўхшамаган бундай одамларнинг кенг дунёда бошқа нусхаси йўқ. Шу халқнинг юрагини тинглаб, дарду ғуссасини ўзига олиб, қалам сураётган адибларга раҳмат. Хусусан, "Одамлардан тинглаб ҳикоя" муаллифига ҳам!

Китоб жуда кўп жиҳатлари билан каминага манзур бўлди. Ундан жой олган 31та ҳикоянинг ҳаммаси монолог тарзида битилган. Қизиғи, бутун бошли китобдаги барча ҳикоя шундай — бир хил фасонда қурилган эса-да, ғашга тегмайди, зерикмайсиз. Сабаби, ҳар бири мустақил асар бўлган бу ҳикояларнинг ҳаммаси ҳаётий, тирик одамларнинг тарзи, уларни ҳар куни ёнимизда кўрамиз. Дардлари ҳам, қувончлари ҳам жуда таниш, қадрдон! Айрим ҳикоялардаги бадбин кимсаларнинг қиёфаси ҳам жуда ўзбекона.

Китоб бошдан охир ўзбеклар ҳақида! Бу таъриф ғалати эшитилмасинки, ўзбеклар ҳақида, унинг ҳаёти, киру ёрқин турмуши ҳақида мардона ёзиш ўзи бўлмайди. Тили ўзбекча-ю маъноси бетайин асарлар бисёр замонда бундай китоб "ярқ" этиб кўринади.

Биз ўз фарзандимизга, ўз отамизга шундай муносабатда бўламиз доим: қусурларидан аччиғланамиз, хатосидан надомат қиламиз, кичкинагина ютуғидан ҳам бениҳоя қувониб кетамиз, силқиб турган дардини кўриб, чор-ночор малҳам излаб югурамиз, айбини пардалаб айтамиз, яхшисини оширамиз, ёмонини яширамиз. Ва уни ич-ичимиздан яхши кўрамиз, ортидан яхшилик соғинамиз, оёғига тикон кирса танимиз зирқираб кетади. Ушбу китоб ўз халқига ана шундай меҳрли, дардли нигоҳ билан боқиб турган адибнинг ичкуяр бир асаридир.

Китобдаги "Миллатчининг жазоси" ҳикояси қаҳрамони мустақилликдан кейин исмидаги бир ҳарфни ўзгартирмоқ, яъни "соф ўзбек" бўлмоқ ниятида "паспортстол"га боради ва қийналиб бўлсада, мақсадига эришади, аммо бошқа — шу вақтгача амалда бўлган ҳужжатлари сабаб жуда кўп савдоларга дуч келади, ҳатто ўз номидаги уйидан ажралишига бир баҳя қолади. Ва исми авваалгидек бир ҳарф нуқсони билан қолишига жон-жон деб рози бўлади. Бу совет давридан қолган чандиқ — ҳаммага таниш муаммо ҳикояда жуда ҳаётий тасвирланган. Бундай муаммо ўзбекка хос, ўзбеккина ўз исмини ўзгартирса бюрократия деган деворга боши бориб урилади, бу девор бизга жуда таниш. Буни ҳикоядагина айтиш, оғриниш, ўртаниш ва юпаниш мумкин.

Халқимизнинг илк мустақиллик йилларидан тортиб бугунги кунгача ўтган йўли, вақт ўтган сари ўзгараётган дунёқараши, алмашинаётган расм-русумлари, ошаётган тажриба билан бир пайтда йўқолаётган айрим фазилатлари, қўйингки, ўзбекнинг ҳаёти акс этган бу ҳикоялар ўзимизга ташқаридан – ёзувчи кўзи билан қарашга бир ажойиб воситадир. "Биринчи миллион", "Мантиқ дарси", "Судда", "Отабекнинг жанозаси" каби ҳикояларни китобхон оғриниб, юраги ўртаниб ўқийди, уларнинг ҳар биридаги миллий дард ўқувчига юқади. Кўнгил бир хўрсиниб олади. "Бу бизнинг ҳаётимиз" деган муродга келади. "Яхшисиям, ёмониям — ўзимизники!" деган хулоса кўнгилни кенгайтиради. Уйга чулғайди.

Китобдаги "Таржимаи ҳол" ҳикояси эса олис тоғлардаги чўпоннинг қора уй — ўтовини ёдимга солди. (*Гарчи ҳикояда ўтов ёки чўпон ҳаёти тасвирланмаган. Ш.С.*) Гап шундаки, ўтовнинг девори — керагалар йиғилиб турган пайтда ихчам, бир-икки йилқига юк бўлади. Аммо уни ёйиб қаддини ростласа ундан бутун бошли қора уй бино бўлади. "Таржимаи ҳол" — йиғилиб турган керага каби. Унда миллатнинг тимсоли бўлган бир оиланинг бир асрлик ҳаёти тасвирланган. Бу ҳикояни муаллиф керагани ёйгандек ёйса — адабиётимиз зўр бир романга бойир эди. Асардаги Оқ пошшо замонидан мустақиллик давригача бўлган фурсатда ўзига тўқ, зиёли бир оила вакилларининг не-не азобларни бошдан кечиргани, бир уйда ўтирган кекса онанинг тилидан ҳикоя қилинади. Ровийнинг ўз жигарлари — ота-онаси, опа-сингиллари, ёлғиз акасидан ажралишлари, тағин қонидаги ўзбекка хос яшовчанлик, Худодан умидворликдан куч олиб, ерга ажриқдай ёпишиб, ҳаёт билан талашиб-тортишиб, ҳикояда айтилганидек, авлодларни "оғзида тишлаб, орқасига опичлаб" йиллар тузоғидан омон ўтиши ва... дориломон кунларга етиб келиши жуда катта жасорат. Асарни қонида ўзбекдан бир урпоғи бўлган одам бетаъсир, диййдаси ёшланмай ўқий олмайди. Мутолаа сўнгида ўқувчи ўзи мансуб шу халққа қарата, беихтиёр "борлар ичра бор бўлиб, тўртоворанинг орасида телпагинг қиррайиб юргин-да" деган азиз тиловларни эсласа ажабмас. Ёдимга бир шеъримдаги сатрлар келди:

***Оламда мусаввир,***
***машшоқ халқлар бор,***
***Эллар томошага***
***навбатда турган.***
***Аммо ўзбек деган***
***буюк деҳқон бор,***
***Ўзбек эса доим***
***хирмон кўтарган...***

Ўзбек шундай бўлган — хирмон кўтарган, борини улашган, йўққа сабр, борига шукр қилган. Асардаги одамлар ҳаётини томоша қилиб туриб, бунча матонат, тоқат, бетиним меҳнатга куч қайдан дейсиз? "Мен кўрмаганни болам кўрсин, мен қийналсам ҳам болам яхши яшасин" деган ўзбекка хос тутумни, Худога таваккал қилиб, умид узмай яшаган одамларимиз нақадар чин муслим эканини теран ҳис этасиз. Элга ниятига яраша подшоҳ келаркан, ниятига яраша ризқ-насиба бериларкан. Ниятига, оёқ олишига қараб улуғ фарзандлар туҳфа этиларкан. Дунёга сабоқ берган мударрислар, муҳаддислар, азиз авлиёлар, шоирлар, олимлар, жаҳонгирлар чиққан ўзбекнинг ҳам Худога ёққан жойи бор. Бу жиҳат шундай: тонгда ишга, шомда уйга қайтаётган, рўзғорини, қора қозонини қайнатиб, эртасини Оллоҳга таваккал қилиб, ҳар дамда умид ва қўрқув орасида ўтаётган оддий, кенгфеъл одамларнинг тилови бу! Илм ҳам, маърифат ҳам, тожу давлат ҳам шу қадоққўлларнинг дуосида, эзгин, эзгу ниятларида жамдир.

Раҳматли онажоним, "Туриб туёқ бўл, ёниб чироқ бўл. Элга нафинг кўп бўлсин!" деб кўп тилар эди. Миллатнинг бир оиласи — бир бўлаги ҳақидаги "Таржимаи ҳол" ҳикояси шу каби азиз туйғуларимни эсга солди, боз тирилтирди.

*Мунаққид эмасман. Ёмон ўқувчи ҳам эмасман. Кунига бир янги китоб чиқиб ётган жамиятимизда ҳар қайси китоб ҳам ўрнимдан қўзғатавермайди. Кўнгил ҳамма китоблардан ҳам тўлғонмайди. Шу сабаб кўнгил бир тошди, шуларни қоғозга туширдим. Яхшиси, китобни топиб ўқиш керак. (Аммо бу китоб ҳам бошқа яхши китоблар каби жуда кам ададда чоп этилган – 2000 тагина.) Соф миллий тафаккур билан ёниб турган муаллифга баракали ижод ва умр тилайман!*

**Шодмонқул САЛОМ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

## ШЕЪРИЯТ

# Буталар баргида кумуш сирғалар



Муаллиф ҳақида:
Жуманазар Юсупов — 1955 йилда Янгиариқ туманида туғилган. Кўп йиллардан бери ижод билан шуғулланиб келади. "Наъжот маъбуди" шеърий тўплами нашр этилган. Ҳозир "Янгиариқ овози" туман газетасининг муҳаррири вазифасида ишлайди.

### АЗИЗАМ

Назирага

*Азизам қарагин, хонатлас кийиб,*
*Бизнинг боғимизда баҳор юрибди.*
*Юраги илоҳий меҳрдан ийиб,*
*Кўзлари севинчдан кулиб турибди.*

*Азизам қарагин, у сенга ўхшар,*
*Бирам истарали, нозик, қаламқош.*
*Сен асло қайғурма, муҳаббат агар,*
*Чин бўлса ўн саккиз ёшдир олтмиш ёш.*

*Азизам...*

### СЕН ГУЛСАН...

*Сен гулсан баҳорлар соғинган,*
*Куйдирган ёзларнинг димоғин.*
*Мен қишман қисматдан оғринган,*
*Қорларга кўмиб қалб титроғин.*

*Фасллар карвони кечикиб,*
*Шамолдай елдими ё йиллар.*
*Ўртада ичикиб-ичикиб,*
*Куз йиғлар,*
*куз йиғлар,*
*куз йиғлар...*

### БИР ХАЛҚ ЭДИК...

*Бир халқ эдик номуси бутун,*
*Гувоҳидир ўчмаган излар.*
*Ёв қўлига тушмаслик учун,*
*Хайкалдай тош қотган "Қирқ қиз"лар.*

*Билолмадим, қай шамол эсиб,*
*Не кўргилик тушди бу бошга.*
*Аёллари юрар юрт кезиб,*
*Эркаклари айланган тошга.*

### АРЗИ ҲОЛ

*Ҳалал берманг, мен яшаяпман,*
*Кўнглим кенг-у кулбам тор бироз.*
*Чўнтагимда итлар ҳуради,*
*Тушларимда қичқирар хўроз.*

*Асли шундан бошқачасини,*
*Орзу ҳам қилмайман ботиниб.*
*Шукр, ҳар кеч уйда кутади,*
*Бир этак бола-ю хотиним...*

### ХАЁЛ

*Бир баҳоринг бўлса,*
*Яшил майсалар*
*Қўшиқ куйласалар*
*Юзларинг силаб.*

*Шеърлар ёзаверсанг —*
*Мажнун десалар,*
*Сўнгсиз тунларингни*
*Тонгларга улаб.*

*Бир баҳоринг бўлса,*
*Тошқин дарёлар*
*Сирларинг оқизиб,*
*Кетса узоққа.*

*Сиғиниб яшасанг,*
*Бағрингни ёқиб.*
*Ишқ деган, муҳаббат —*
*Деган тузоққа.*

### САБР

*Зилдек оғир тўрва бўйнингда,*
*Ғururингдай букилган қаддинг.*
*Пуч ёнғоққа тўла қўйнингда,*
*Жон талашар сиғмаган ҳаддинг.*

*Тамшанасан сўлагинг оқиб,*
*Тикилганча ғўрага, аммо,*
*Билмайсанки, ичингни ёқиб,*
*Бу дарахтда битмайди ҳолво.*

*Олтин эмас, умринг сўнгида,*
*Тегса-тегар бир сиқим тупроқ.*
*Ҳаёт деган тушнинг ўнгида,*
*Азоблар жуфт, тоқатларинг тоқ.*

*Бош қўйганинг кунда — бешафқат,*
*Ўзинг йиртиб йиртиқ ёқангни.*
*Сен тинчингни ўйладинг фақат,*
*Рўкач қилма бола-чақангни.*

*Куйинма, бу муносиб якун,*
*Керак эмас ҳадик, хавотир.*
*Келдинг, кетдинг исботлаш учун,*
*Чиқмаслигин қўрқоқдан ботир.*

### ҚИШ

*Кипригимда эрийди қор,*
*Сен кетган йўл адоқсиз.*
*Юрагимда оғир тош бор,*
*Аламлар сон-саноқсиз.*

*Ваҳимали кўринади —*
*Тун бағрида дарахтлар.*
*Куйлашарди севгимизни,*
*Достон қилиб бир вақтлар.*

*Энди эса борлиқ нурсиз,*
*Кўнглимиздай юпундир.*
*Қаҳри қаттиқ қаҳратоннинг*
*Чангалида тутқундир.*

*Дунё — беор, дунё — озор,*
*Хавф-хатарга лиқ тўла.*
*Ер, кўк ва мен ... Бизни баҳор,*
*Ташлаб кетган бир йўла.*

### СЕНИ СОҒИНГАНИМ...

*Сени соғинганим ўзимга аён,*
*Гуллар тасдиқлайди яна бош ирғаб.*
*Умидлар хазонрез баргдай заъфарон,*
*Сен қайтмас йўлларга тўкилар йиғлаб.*

*Ўкинчлар қадалар нигоҳларимга,*
*Инграниар мижжамга қалқмаган оҳлар.*
*Ҳижрон улоқтирган жанггоҳларимга,*
*Аста тушиб келар кўкдан илоҳлар.*

*Нақадар илтифот! Ёлғонми ё чин?*
*Шуурим қоплайди шубҳа ғубори:*
*Айролиқ азобин қайдан ҳам билсин,*
*Ёлғизлик ярашган Парвардигори...*

*Юраман туну кун минг бор ўтганим —*
*Таниш сўқмоқларда тентираб, дайдиб.*
*Биламан, қаршимдан чиқмас кутганим,*
*Келаверар фақат қайғулар қайтиб.*

*Умр бевафодир, ҳаёт бешафқат,*
*Муҳаббатни эса мангу деганлар.*
*Висолга эришар бир куни, албат,*
*Унутилмаганлар, унутмаганлар.*

### ДУНЁ ВА МЕН

(*Дунёни англаш учун дунёга келишнинг ўзи камлик қилади*).

*Дунё кибор, мен бир тўпори,*
*Турличадир қарашларимиз.*
*Менга ёқмас унинг касб-кори,*
*Шундан уруш-ярашларимиз.*

*— Эсингни йиғ,— дейди бош чайқаб, —*
*Сен шоирсан, оддий одаммас.*
*Фойда билан зиённи фарқлаб,*
*Сал жиддийроқ қадам боссанг бас.*

*— Қартайибсан ва лекин, — дейман,*
*— Ўхшамайсан донишмандга ҳеч.*
*— Нодон, сенинг ғамингни ейман,*
*Бош оғриғи ғурурингдан кеч.*

*Тугамайди баҳс-мунозара,*
*Ўлибмизми бир гапдан қолиб.*
*Ўзича ҳақ дунё бечора,*
*Муҳими, мен ўзимча ғолиб.*

*Юрагимни чулғар мубҳам ҳис,*
*Бир балони бошлашим аниқ...*
*Дунё ғамгин, дунё кўп маюс,*
*Бўғзин тирнар ёниқ хўрсиниқ:*

*— Ўжар эди бобонг жуда ҳам,*
*Қолишмасди отанг ҳам ундан.*
*Инсон ўзи аслида бир кам,*
*Феълингдаги шаккоклик шундан...*

*Надоматга не ҳожат, ахир —*
*Ибтидо бор — бордир интиҳо...*
*Сўлиш олар ўй суриб оғир,*
*Менсизликдан зериккан дунё.*

*Кўп куттирмай, эрта ё индин,*
*Биламанки, қаддини кериб.*
*Бир нотаниш, ўктам ўспирин,*
*Ғавғо бошлар ёнига келиб.*

*Дунё зимдан кўз ташлаб, ана -*
*Мийиғида кулиб қўяди.*
*Доимгидек курашда яна,*
*Енгилганин билиб қўяди.*

*Сўнг титрайди асабий, мулзам,*
*Ғазабланган, мушти тугилган.*
*— Ўжар эди бобонг жуда ҳам,*
*Қолишмасди отанг ҳам ундан...*

*Дунё кибор, мен бир тўпори.*

### БИЛМАЙСАНМИ...

*Қалдироқдай гумбурладинг, гоҳ -*
*Найга ўхшаб наво қилдинг сен.*
*Турфа ҳикмат келтириб, э воҳ,*
*Одамийлик даъво қилдинг сен.*

*Билмайсанми, дунё тала-тўп,*
*Эл, тил, фикр — бари мингқуроқ.*
*Бизда авлиё, пайғамбарлар кўп,*
*Фақат инсон бироз камчилроқ.*

### ҚИЗ СЕВГИСИ

*Интиласан, етолмайсан ҳеч,*
*У тоғ олис, у тоғ виқорли.*
*Хаёлингни чулғаб эрта-кеч,*
*Чорлайверар чўққилар — қорли.*

*Буталарининг — йўлларинг тўсган,*
*Баргларида кумуш сирғалар.*
*Оғриқлари ўзидан ўзган,*
*Оёғингни ўпар жилғалар.*

*Шаббодалар шўхлиги тутиб,*
*Тортқилайди алвон рўмолинг.*
*Нафасини ичига ютиб,*
*Кузатади қирлар бу ҳолинг.*

*Бинафшалар оддий гул эмас,*
*Юлдузлардан тушган мактублар.*
*Изларингдан ҳасад ва ҳавас —*
*Билан боқар қанча мағлублар.*

*Севги деган ёниқ рўёга,*
*Ҳаётингни тиккандинг яхлит.*
*Сен бахтлисан, билсанг дунёга,*
*Фариштталар келар шу тахлит.*

### УЗУМ

Устоз Қўзи Давлат хонадонида ёзилган.

*Тўлдириб боғ саҳнини кўз олар қирмиз узум,*
*Юзлари лов-лов ёниб, мисли уятчан қиз узум.*

*Йўл бериб турган каби ишкомда маҳзун қомати,*
*Соҳибидек камтарин, меҳмоннавоз ҳаргиз узум.*

*Шоиру фозил бари жам бўлиб, кўп мунтазир,*
*Илтифот кўрсатгину Абдуллажон, бор уз узум.*

*Чун баҳор, ёз эркалаб, бағрида минг асрасин,*
*Кетмоғи қисмат азал, келганида куз узум.*

*Эй Суҳан, туғёнини қалб нечук сир сақлагай,*
*Билса гар айш қўйида интиқлигин маҳфуз узум.*

### БУГУН

*Кел, кўнгил сендан бўлак топмадим ҳамроҳ бугун,*
*Чеккали ёр ҳажрида бирга ўтлиғ оҳ бугун.*

*Қаҳридан муз ёғдириб, айланар чархи фалак —*
*Ким оёқ остида Ер оташ уфурган чоҳ бугун.*

*Кўрмайин ҳам куймайин, деб чимматин ёпдими ё,*
*Шафқатин биздин аяб, кетдимикан ул моҳ бугун.*

*Ҳасратинг қўй, эл бари шодлик била машғул дема,*
*Чун фақат аҳволимиздан аҳли ишқ огоҳ бугун.*

*Не кўрибсан, эй Суҳан, қилма пушаймонлиғ сира,*
*Қисмат эрса зоҳир ўлғай хоҳи эрта, хоҳ бугун.*

АСРОР

*Хива шаҳрида Калта минор дея аталувчи ҳайбатли, кўркам, Ичан қалъага кўрк бағишлаб турган меъморий обида бор. Ичан қалъани, тўғрироғи, Хива шаҳрини ушбу минорасиз тасаввур қилиш қийин. Унинг ҳашамдор кўриниши, алоҳида жозиба бағишлаб турган нақшинкор ганчлари кўрган кўзни қувнатади. Фақат унинг қурилиши тугалланмаган, агар минора қурилиб битказилганида эди, балки Марказий Осиёда энг баланд маданий мерос объектларидан бири бўларди.*

# КАЛТА МИНОР

## НЕГА КАЛТА?



БИТМАЙ ҚОЛГАН МИНОРА ҲАҚИДА РИВОЯТЛАР КЎП, ФИКРЛАР КЎП. У ГАРЧИ КАЛТА БЎЛСА ҲАМ ТАРИХИ УЗУНДАН-УЗУНДИР. БИТМАГАН, ЧАЛА ҲОЛИДА ҲАМ АСРЛАР ҚАЪРИГА КЎРК БЕРИБ ТУРГАН КАЛТА МИНОРГА БОҚИБ, БУГУНГИ АЙРИМ ОМОНАТ ИНШООТЛАР ҲАҚИДА ҚАЙҒУЛИ ЎЙГА ЧЎМАСАН ОДАМ. АЖДОДЛАРИМИЗ БИЗГА КАЛТА МИНОРЛАРУ ТИЛЛАҚОРИЛАРНИ, КЎКАЛДОШУ МИНОРАИ КАЛОНЛАРНИ ҚОЛДИРДИ. УНИНГ ҲАР БИР ҒИШТИ БИЗГА МАЪРИФАТ НУРЛАРИНИ СОЧИБ ТУРИБДИ.

Минора қурилиши чала ташлаб кетилгани ҳақида эса халқ орасида турли хил афсоналар тарқалган. Улардан бирини болалигимда эшитганман.

Эмишки, 1853 йилда хонлик қилган Муҳаммад Аминхон минора қурдиришни бошлабди. У қурувчи устага шундай буйруқ берибди:

— Бу минора шундай минора бўлсинки, баландлиги 100 метрдан ошсин, унинг ганчлари қуёш нурида рангини йўқотмасин, аксинча ял-ял товлансин. Гўзаллиги, ҳашамдорлиги билан учта хонликдаги ягона минора бўлсин. Мендан бошқа бирор хон бундай минора қуришга мушарраф бўлмасин. Минора битганидан сўнг бошингдан тилло сочаман.

Уста таъзим ва тавозе билан хондан узоқлашибди ва ишга киришиб кетибди. Кундан-кунга минора юксалиб гўзал кўринишга эга бўла бошлабди. Пойдевори жуда чуқурга ўрнатилибди. Қурилишини кузатганлар ҳайратга тушибдилар. Шундай кунларнинг бирида Муҳаммад Аминхон Шимолий Эронга юриш бошлаган экан. Устанинг атрофига бир куни истеъдодсиз, ғаразгўй кимсалар йиғилибдилар. Бу пайтда миноранинг баландлиги 20 метрга етиб қолган экан. Ўша ғаразгўйлардан бири шундай дебди:

— Бунча тез ишламасанг, аслида сен ўз ўлимингни яқинлаштираяпсан. Хонимиз минора битганидан сўнг сени қатл қилдирмоқчи.

— Нега, — деб сўрабди, ҳайрон бўлган уста.

— Чунки хонимиздан қўшни хон минора битганидан сўнг устани менинг юртимга жўнатинг деб илтимос қилибди. У ҳам боши кўкка етадиган минора қурдириш ниятида экан. Хонимизга бу таклиф ёқмабди. Чунки у бу минора бошқа ҳеч бир юртда ва ҳеч бир минтақада бўлишини истамайди. Шунинг учун ўзининг хос одамларига минора битгач, устани қатл қиласизлар деб буйруқ берган, – дебди.

Бу гаплар устани ўйга толдирибди. Наҳотки шундай бўлса? Истеъдоди, меҳнати учун ўлимга маҳкум этиладими? Бу қандай бедодлик?

Хуллас, уста миноранинг тепасида ишлайтуриб, ўзига қанот ясабди ва хоннинг урушдан келишини кутмасданоқ чала қурилган минорани ташлаб узоқларга учиб кетибди. Баъзи манбаларда эса хон минора битмасидан уни минорадан ташлаб юборганлиги айтилади.

Яна бир афсонага кўра эса хоннинг аёли малика қурилаётган миноранинг довруғини эшитиб, ўз канизлари билан қурилиш майдонига ташриф буюради. Узоқ асрларни лол қолдирадиган обидани бино этаётган уста маликани бир кўришдаёқ севиб қолади. Бу ҳақдаги турли миш-мишлар бора-бора эл орасида қанот ёяди. Хон уни барибир қатл эттириши мумкинлигини пайқаган уста бир кечада ғойиб бўлади.

Булар эҳтимол, бир афсонадир. Қайси бири ҳақиқатга яқин ёки ҳақиқатнинг ўзи, буни Яратгандан бошқа ҳеч ким билмайди. Бироқ афсоналарнинг ҳар бири Калта минорнинг қурилмаган қисмининг давоми сифатида халқ орасида яшаб келмоқда.

Тарихий манбаларга кўра урушда Муҳаммад Аминхон вафот этади, сўнг Абдуллахон тахтга ўтиради ва минора қурилиши тўхтаб қолади.

Ушбу афсонавий миноранинг диаметри асоси 14,5 метрни, баландлиги 29 метрни ташкил қилади. У кесик конус шаклида қурилган бўлиб, агар чала қолмаганида 100 метрга етарди. Нақшинкор кошинларига вақт ва қуёш нури асло таъсир кўрсата олмаган. Юқорида болалигимда эшитган, ҳозир ҳам эл орасида тарқалган афсонани келтирдим. Кексалар, тарихчилар яна бир фикрни айтадики, беихтиёр ўйлаб қолади киши. Айтишларича Муҳаммад Аминхон вафотидан сўнг Абдуллахон унинг қурилишини давом қилдирмаган, усталарга ишни тўхтатишни буюрган дейишади. Эмишки, агар минора қурилса, барибир Муҳаммад Аминхоннинг довруғи достон бўлади, унга ҳеч қандай шуҳрат келтирмас экан. Фойдасиз ишга уринишдан на ҳожат! Унинг қарорини ёнидаги ҳамтовоқлари ҳам маъқуллашган. Шу тариқа Муҳаммад Аминхон бошлаган иш чала қолган. Ҳасад туфайли нималар юз бермайди, Калта минор бунга яққол мисолдир дейишади ёши улуғлар. Хоразмлик ижодкор Шокирбек шундай ёзади:

*Калта минор узун ўй сурар,*
*Тошлараро тош қотган вужуд.*
*У билади, у яхши билар,*
*Фақат хаёл билмагай ҳудуд.*
*Ва наққошнинг кўзин ўйнатиб,*
*Рақсга туша бошлайди ранглар.*
*Меъмор айтган чала қўшиқнинг*
*Давомидек ғиштлар жаранглар.*
*Ғиштларда бир ёлғон яширин,*
*Ғиштларда бир ҳақиқат ошкор.*
*Ҳар ажнабий опкетаверар,*
*Қайтаверар Ватанга минор.*

Ҳа, битмай қолган минора ҳақида ривоятлар кўп, фикрлар кўп. У гарчи калта бўлса ҳам тарихи узундан-узундир. Битмаган, чала ҳолида ҳам асрлар қаърига кўрк бериб турган Калта минорага боқиб, бугунги айрим омонат иншоотлар ҳақида қайғули ўйга чўмасан одам. Аждодларимиз бизга Калта минорлару Тиллақориларни, Кўкалдошу Минораи Калонларни қолдирди. Унинг ҳар бир ғишти бизга маърифат нурларини сочиб турибди. Калта минорга боқиб туриб, ўйларим ҳеч ниҳоя билмайди...

**Меҳрибон ТИЛЛАЕВА.**

МУЛОҲАЗА

*Ҳар бир инсон туғилибдики ўзидан яхши ном, эзгу амаллар қолдиришга ҳаракат қилади. Интилишлари самараси ўлароқ, айримларига улгуради, баъзиларига эса...*

# ЗИЁРАТНИНГ ҲАМ ОДОБИ БОР



Зиёрат — фақатгина ўтганларни эслаш, уларнинг ҳаққига дуолар қилиш билан чекланмайди, балки қадамжо атрофини тозалаш, кўркам ҳолатга келтириш ҳам зиёрат амалларидандир. Айниқса, йўқлаб туриш билан инсониятнинг сўнгги манзилини эслаб туриш ҳам зиёратга киради. Ҳозирги кунда юртимизда зиёратгоҳларга эътибор, Яратганга шукрки, кучайди. Таъмир талаблари кўркам ҳолатга келтирилди. Янги мақбаралар, масжидлар қурилмоқда, атрофида боғ-роғлар барпо этилаяпти. Зиёратга, намозга келганлар ҳам тозаликка риоя қилишиб, ўз бурчларини адо этишаётгани қувонарли, албатта.

Лекин...

Яқинда ижтимоий тармоқларда бир суратга кўзим тушди. Бухоро шаҳри атрофида тарихда яшаб ўтган улуғ алломанинг қадамжоси ёнидаги дарахт шохлари, новдаларига турли хил латталар боғлаб ташланибди. Хаёлимдан ўтгани: наҳотки пирлар макон тутган, одамлар фахрига айланган юртда ҳали ҳам ирим-сиримлар бор бўлса?..

Энг ёмони, баъзи бир зиёратгоҳларда айрим “тадбиркор” акаларимизнинг “бизнеси” ҳам юришгандан-юришади. Яна қанақасига денг, шаҳар марказидаги китоб дўконларидан арзимаган пулга китоблар сотиб олиб, зиёратгоҳда икки баробар қимматига сотишади. Бир парча латтага мажмуанинг номини ёздириб, уни ҳам пуллашади. Нархини кўриб ёқангизни ушлайсиз. Динимизда айтилган тарозидан урманглар, ҳалол савдо қилинглар сингари ўгитлар гўё зиёрат масканларига таалluқли эмасдек фикр уйғотади одамда.

Айниқса, озиқ-овқат, турли хил ўйинчоқларни ҳам бемалол сотаверишади. Савол туғилади. Озиқ-овқат маҳсулотларини зиёратгоҳларда сотиш тўғрими? Бизнинг-ча, мақбул эмас. Чунки, у ерда мўмин-мусулмонларнинг қабрлари бор. Ўзингизга маълум, аксарият зиёратгоҳлар эса қабристонлар билан туташ.

Бундан ташқари, ҳар бир қадамжода ҳовузлар бор, уларнинг ҳолатини кўриб ачиниб кетасан. Нима эмиш, ният қилиб сувга пул ташласа нияти амалга ошармиш. Яхши ҳам баъзи зиёратгоҳлардаги ҳовузларда турли балиқлар бор. Шунга қарамай, одамлар уларни кўриб завқ олса-да, айримлари танга ташлаш одатини тарк этишмаган. Аслида бу ҳам динимизга хилоф иш. Ният чин дилдан, ихлос билан қилинса, ҳар қандай ҳолатда ҳам ижобат бўлаверади.

Қолаверса, мутахассислар фикрича, сувга ташланган танга пуллар бора-бора ўзидан турли кимёвий моддаларни ажратиб чиқариб, сувга, ундаги сув жонзотларига зиён етказар экан. Яна бир ачинарли томони, сувга ташланган танга пулларни кўриб: “Наҳотки юртдошларимиз миллий валютамизни ҳурмат қилишмаса”, деган ўй ҳам ўтади кўнгилдан.

Оғриқли нуқталардан яна бири шуки, муқаддас қадамжода овқат пишириш масаласи. Ҳатто бунга шароит ҳам яратилгани. Агар ёнида қабристон бўлмаса тушунса бўларди. Ўша жойга “қон чиқараман”, деб қўчқор ёки хўроз олиб бориб сўйишлар. Тансиқ таом тайёрлаб, ҳордиқ чиқариб ўтиришлар, ачинарлиси, овқат қолдиқларини ва бошқа чиқиндиларни очиқ ҳолда ташлаб кетишлар қанчалик тўғри? Ҳадиси Шарифларда қабр атрофида таомланманглар дейилган.

Зиёратга борганлар авлодидан ўтганлар ҳаққига дуо қилиб, ўзларига яхши амалларни ният қилишса, кўпроқ савоб олишган бўлармиди...

**Муҳаммадсодиқ ТЎРАЕВ.**

САНЪАТ

*Санъат — изланиш ва ҳаракатлар жараёни дегани. Санъатнинг қайси тури бўлмасин, дейлик, мақом, анъанавий ашулачилик ёки миллий эстрада қўшиқчилиги, булар шаклан турли хил, аммо мақсади ва вазифаси бир жиҳатга, яъни эшитувчига маънавият улашиши керак.*



# Маҳорат сабоқлари давом этади

Шунинг учун ҳам, санъат инсонларга гўзаллик, ёруғлик, ҳис-ҳаяжон, бир сўз билан айтганда, ақлий ва руҳий мушоҳадага ундайдиган восита бўлмоғи лозим. Асл санъат асарларидан ҳамиша ҳайратланамиз, таъсирида улғайишимиз ҳам бор гап. Бугун тобора тезкор ва шиддатли, айни бир пайтда, янгиланиш баробарида пандемия жараёнини инсоният бошидан кечираётган даврда яшаяпмиз. Ҳар дамимиз ва вақтимиз ғанимат эканини англаб боряпмиз. Ҳар соҳада бўлгани каби, санъат соҳасида ҳам маълум бир изланишлар олиб борилаяпти.

Халқимизда: “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар”, деган мақол бор. Ҳақиқатан, устоз-шогирдлик анъанаси қадимдан бизда ардоқланиб келинган. Устозларнинг қадри, рутбаси, мақоми ҳамиша юқори турган. Аммо маълум бир пайтлар бу анъана бироз оқсади, сусайди. Бугунги кунга келиб “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси яна анъана ва қадриятларни тиклаш, ёшларга сингдириш мақсадида саъй-ҳаракат қиляпти.

Устоз санъатидан нафақат миллат ёшларини бохабар қилиш, балки хорижий санъаткорларни ҳам таништириш мақсадида ҳиндистонлик санъаткорлар билан ўзаро маданий алоқаларни тиклаш мақсадида жорий йилнинг 23 январь кунидан 30 январгача давом этадиган ҳафталик онлайн маҳорат дарслари Лал Баҳодир Шастри номидаги Ҳиндистон маданият маркази билан ҳамкорликда ташкил этилгани ҳам бежиз эмас. Эндиликда устоз-шогирдлик анъаналари қитъалар оша парвоз этади.

Ҳафталикнинг илк онлайн маҳорат сабоғи Ўзбекистон давлат консерваториясида ҳинд мусиқа санъатининг маҳоратли мутахассиси, профессор Сунира Касливал хоним иштирокида ташкил этилди. Унда талаба-ёшлар ҳамда мусиқа ихлосмандлари ситор чолғу асбоблари орқали мусиқа ижро этиш сирлари билан танишишди.

Навбатдаги маҳорат дарси Ўзбекистон давлат хореография академиясида бўлиб ўтди. Анжуманда ўзбек миллий рақс санъатининг дарғалари, устоз санъаткорлар Ўзбекистон халқ артистлари Вилоят Оқилова, Қодир Мўминов, Гавҳар Матёқубовалар ўзбек миллий рақсларидаги уч йўналиш, яъни фарғона, бухоро ва хоразм рақс йўналиши ҳамда уларнинг келиб чиқиш тарихи, бу йўналишларда ижод қилган устоз санъаткорларнинг ижоди ҳақида сўз юритдилар.

Бундан ташқари, тингловчиларга устоз санъаткорлар томонидан Фарғона, Бухоро, Хоразм рақс санъати мактабининг бир-биридан фарқи, уларнинг ўзига хосликлари, саҳна либослари, тақинчоқлари, қўл ва оёқ ҳаракатлари, имо-ишоралар тўғрисида ҳам етарлича маълумотлар берилди. Академия талабалари ижросида ҳар учала йўналишларда саҳналаштирилган рақслар ижро этилди.

**Матлуба ТЕМУР қизи.**

РАССОМ ХАНДАСИ




**Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.**

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
*Баҳоси келишилган нархда*

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 5021
Буюртма — Г-150
1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21:00
Топширилди — 01:20

**Телефон:** (71) 244-32-68, 244-32-91
**Тел-факс:** (71) 244-32-80
**Реклама ва маркетинг** бўлими: (71) 244-32-70

ISSN 2181-0680

*Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

**Манзилимиз:** 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ҳ.Қодиров. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.